

# БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 32 (535) 2006 йил 16 август

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

**Бугун Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуқсиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорларининг ижро этилиши ҳамда бошқа бир қатор масалалар муҳокама этилди.**

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра банк кассаларига нақд пулларнинг тушиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,7 фоиз, шу жумладан савдо тушумлари 51,0 фоиз ошди.

Мазкур қарорлар талабларини бажариш мақсадида кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий тўловлари, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга мажлисида жорий йилнинг июл ойида Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан Жиззах, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра мазкур ҳудудларда банк кассаларига нақд пул маб-

лағларини жалб қилишнинг кўшимча манбаларини излаб топиш ишларининг қониқарсизлиги, савдо тизимининг яхши ривожланмаганлиги, пуллик ва маиший хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан мазкур ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ҳудудларда ижро этилиши ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, кўрилган комплекс чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга келиб республикамизда жами 3,0 млн.дан ортиқ пластик карточкалар муо-

малага чиқарилди, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига эса 12 мингга яқин терминаллар ўрнатилди.

Шу билан бирга, мажлисида таъкидланганидек, айрим ҳудудларда мазкур масалага етарли даражада эътибор берилмаётгани натижасида пластик карточкалардан фойдаланиш тизими яхши ривожланмапти. Мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммаларига манфаатдор вазирлик, идоралар билан биргаликда терминаллар билан жиҳозланган чакана савдо ва хизмат соҳаси объектлари сонини кўпайтириш ва уларнинг барқарор ишлашини назорат қилиш вазифаси белгилаб қўйилганига қарамадан ушбу вазифалар ижроси таъминланмапти. Айниқса, бу борадаги аҳвол Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қониқарсиздир.

Комиссия мажлисида ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари, республика тижорат банклари ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари раҳбарлари зиммасига Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорлари талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу масалани қатъий назоратга олиш вазифаси юклатилди.

Мажлисида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Марказий банк  
Матбуот хизмати.**

## БУ СОНДА:

2-3 Омонат ва сармоя

4 Банк рекламиси: Анъаналар ва янгиликлар

6 ХМК: Ҳамкорликка доим тайёрмиз

## Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	941,57
1 Англия фунт стерлинги	2323,73
1 Дания кронаси	209,71
1 БАА дирҳами	334,15
1 АҚШ доллари	1227,28
1 Миср фунти	213,77
1 Исландия кронаси	17,33
1 Канада доллари	1093,15
1 Хитой юани	153,64
1 Кувайт динари	4244,00
1 Россия рубли	45,81
1 Украина гривнаси	243,03
100 Ливан фунти	81,76
1 Малайзия ринггити	333,27
1 Норвегия кронаси	196,27
1 Польша злотийси	406,10
1 Сингапур доллари	777,50
1 СДР	1822,93
1 Туркия лираси	846,69
1 Швеция кронаси	169,94
1 Швейцария франки	990,54
1 ЕВРО	1563,92
10 Янубий Корея вони	12,71
10 Япония иенаси	105,51

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

**2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2007 йилга солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган солиқ концепциясига Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодий ва унинг алоҳида соҳалари баланслигини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.**

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси қуйидаги принциплар асосида ишлаб чиқилган:

**Биринчидан**, ҳўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошишига кўмаклашувчи солиқ юкени камайтириш.

Олдинги йилларда ушбу сиёсат изчил амалга оширилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Фақат 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ юкенининг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурсларини 126 млрд. сўмдан ортиққа кўпайтирди. Бу эса инвестицияларни кенгайтириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш учун муҳим кўшимча манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан, корхоналарнинг капитал қўйилмалари ҳажми 2006 йилнинг 1 ярим йиллигида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реал ҳисоб-китобларга кўра 26,8 фоизга ўсди. Бюджет даромадлари қисқармади, балки иқтисодиётнинг реал ўсиши ҳисобига кўпайди.

Муҳокама қилиш учун киритилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳасида солиқ ставкаларини яна-

да сезиларли даражада пасайтириш, хусусан:

юридик шахсларнинг фойдасига (даромадига) солинадиган солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра бу фақат 2007 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ва ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун корхоналарга ўз ихтиёрида қоладиган фойда (даромад)ни камида 37 млрд. сўм миқдорда кўпайтириш имконини беради;

ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролин кўпайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратеди;

ягона ижтимоий тўловни 25 фоиздан 24 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкени камайтиради ва тегишли равишда ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий нафақалар тўловини ошириш учун корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар суммасини кўпайтиради.

(Давоми б-бетда).

## КРЕДИТ АХБОРОТИНИ АЛМАШИШ — ДАВР ТАЛАБИ

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида кредит ахборотларини алмашиш механизмининг такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) томонидан республика тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда Марказий банкка кредит ахборотининг ягона реестрини шакллантириш учун ахборот такдим қиладиган мутахассислар учун ташкил қилинди.

(Давоми б-бетда).

## АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 15 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1230,00	1235,00	1564,00	1584,00
"Асака" банки	1230,00	1235,00	1568,00	1573,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1230,00	1235,00	1565,00	1575,00
"Пахта Банк"	1230,00	1233,00	1568,00	1572,00
"Халқ банк"и	1230,00	1235,00	1564,00	1579,00
"Ипотекабанк"	1230,00	1235,00	1565,00	1575,00
ДБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1230,00	1231,00	1567,00	1569,00
"UzKDBбанк"	1230,00	1235,00	1564,00	1587,00
"Фаллабанк"	1230,00	1235,00	1564,00	1574,00
"Трастбанк"	1230,00	1235,00	1564,00	1574,00
"Алп Жамол банк"	1230,00	1235,00	1567,00	1574,00
"Алоқабанк"	1230,00	1233,00	1563,50	1587,00
"У-Т банк"	1230,00	1233,00	1568,00	1588,00
"Туронбанк"	1230,00	1235,00	1565,00	1570,00
"Савдогар" банк	1230,00	1235,00	1564,00	1575,00
"Ипак йўли" банки	1230,00	1233,00	1567,39	1571,21
"Микрокредитбанк"	1233,00	1235,00	1571,00	1574,00
"Туркистон" банк	1233,00	1235,00	1570,00	1600,00
"Даврбанк"	1230,00	1235,00	1595,00	1610,00
"Кредит-Стандарт" банки	1230,00	1235,00	1564,00	1580,00
"Капитал банк"	1230,00	1235,00	1564,00	1587,00
"Содерат банк"	1230,00	1235,00	1520,00	1590,00
"Ҳамкорбанк"	1230,00	1235,00	1564,00	1584,00
"Универсалбанк"	1230,00	1235,00	1567,00	1573,00
"Парвинабанк"	1230,00	1233,00	1562,00	1564,00



# ОМОНАТ ВА САРМОЯ

## Аҳоли учун махсус саҳифа

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ 2006 йил 1 август ҳолатига

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фойзи	Бошланғич бадал	Эслатма
<b>ТНФ Милавий банки</b>				
Пластик карточка		16	150	Фонизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади.
«Таътил»*	3 ой	21	10000	Фонизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади.
«Келажак»*	5 йил	25	1000	16 ёшгача бўлган болаларга очилади.
«Ният»		4,5		Автомобил қийматининг 50%ни қўйилади.
«Омонлик»*	6 ой	20	50000	Фониз қўйилган кунда (аванс) берилади.
«Омадли»*	2 йил	23	100000	
«Шифокор»*	6 ой	28	50000	Тиббиёт ходимларига очилади, фониз муддати тугагандан сўнг берилади.
«Кўпайсин»*	1 йил	21	200000	25 ноябрдан қабул қилинади.
<b>Пахта Банк</b>				
Муддатли	6 ой	18	50000	Фонизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	1 йил	20	50000	Фонизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	3 йил	21	50000	Фонизлар бир йилдан сўнг берилади.
Муддатли	5 йил	22	50000	Олинмаган фонизлар асосий суммасига қўшиб берилади.
«Фаровонлик»*	3-6 ой	20-22	5000	Фонизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Ок олтин»*	6 ой	22	2000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кунда 1 ой учун омонатчиларга берилади.
«Пахтакор»*	3 ой	21	1000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
«Барака»*	3, 6, 9 ой ва 1 йил	14-20	20000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тарикасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади.
«Баҳор»*	9 ой	20	20000	
«Ишонч»*	3 ой	24	100000	1 сентябрдан қабул қилинади, фонизлар асосий суммага қўшиб берилади.
«Истиклол»*	6 ой	24	100000	15 сентябрдан қабул қилинади, фонизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Шодлик»*	3 ой	22	100000	Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
«Ҳосил-2006»*	6 ой	22	200000	Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларга мўлжалланган.
«Саховат»*	1 йил	22	20000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади.
«Навниҳол»**	1 йил	14	1000	16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинмаган муддатда 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади.
«Болалар келажакимиз»**	1-5 йил	18-24	10000	Фонизлар ҳар 3 ойда берилади. Муддатига қараб схема бўйича фонизлар белгиланади.
«Манший тўлов»**	2 йил	30	коммунал ва 6 тўловлар	Фонизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
«Истеъмол омонати»*	2 йил	10		Омонатнинг миқдори "истеъмол кредит" нга олинаётган истеъмол молларининг 30% миқдориди.
«Автоомонат»**	3 йил	10		Автомобил қийматининг 50% қўйилади.
Пластик карточка		18		Ҳисобланган фонизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади, нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
<b>Узсаноатқуриш банки</b>				
«Мақсадли болалар омонати»**	10 йил	22	100	
«Сюрприз»***		8	100	Йилга 2 марта ўйин ўтказилади.
«Кулай»*	3 ой	20-21,93	25000	Фонизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Манший хизмат тўловига»*	2 йил	22		
«КВ-1»*	1 ой	18		
«Фойдали»**	6 ой	21	100000	Ҳар ойда қўшимча маблағ қўйиб бориш мумкин.
«Сармоя»**	9 ой	20	50000	Капитализация билан.
«Таъло»*	6 ой	21-23,13	50000	Капитализация билан.
«Саломатлик»*	3 ой	22	100000	Капитализация билан.
«Барака»*	1 йил	22-24,35	50000	Капитализация билан.
«Эффект»**	10 ой	22	100000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
Пластик карточка		8	100	
Visa Electron Пластик карточка		16		
Visa Classic Пластик карточка		24		
<b>Микрокредитбанк</b>				
«Сихат-саломатлик»*	1 йил	22,0	1000000	Фонизлар ҳар чоракда берилади.
«Орзу»*	3 ой	22,0	50000	3 ойдан кам бўлмаган муддатга.

«Она юрт»*	3 ой	22,0	150000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Истеъмол жамғармаси»*			150000	Истеъмол кредити фойзини сўндириш мақсадидаги омонат.
«Тадбиркор»*	6 ой	23,0	25000	Фонизлар олдиндан тўлаб берилади.
«Тежамкор-коммуналчи»*	2 йил	26,0		Фонизлар фақат коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
«Автокредит жамғармаси»*	24 ой	10,0		"Автокредит"га ҳисобланган фонизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб берилади.
«Нуроний»*	1 йил	20,0		Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
<b>Савдогарбанк</b>				
«Истиклол»*	3 ой	21,0	200000	Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
«Шодлик»*	2 ой	20,0	100000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Номи кўрсатилмаган»*	1 ой	20,0	100000	Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
«Автожамғарма»	3 йил	20,0		Кредит олиш учун.
«Фаровон ҳаёт»	Пластик карточка	16,0		
<b>Ғаллабанк</b>				
«Имконият»*	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағга уй-рўзгор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мумкин.
«Саломатлик»*	11 ой	19,8	10000	Фақат сўхатга чиқиб ва саломатлиқни тиклаш учун сарфланади.
«Нафақа мадакор»*	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда устама берилади.
«Ishonch»*	3 ой - 3 йил	18-20,4	10000-5000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Luks»*	3 ой - 3 йил	18,6-21	5000000-10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Коммунал омонати»*	3 ой	21,6	100000	
«Фаровонлик»*	3 ой	21,0	200000	1 сентябрдан қабул қилинади, фонизлар асосий суммага қўшиб берилади.
«Файзли»*	2 ой	20,0	100000	Фонизлар асосий суммага қўшиб берилади.
«Истиклол»*	6 ой	22,0	500000	1 сентябрдан қабул қилинади, ҳар 3 ойда фойз тўланади.
«Каблат»*	3 ой - 3 йил	19,2-21,6	5000000 - 10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Меҳриғиё»**	18 йил	15,6	10000	Капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. Меҳрибонлик уй тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махус очилади.
Пластик карточка	Талаб қилиб олингунча	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдориди	1000	Фонизлар кунлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади.
«Kelajak»**	16 йил	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдориди	10000	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдориди бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади.
<b>Турон банк</b>				
18 ёшгача болалар**	5 йил	14,0	1000	Фониз 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади.
«Ният»**	2 йил	5,0		Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга
«Келажак»**	3 йил	5,0	2000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган.
«Омад қувончи»**		5,0	10000	Ютуқли омонат бўлиб, тираж ҳар 6 ойда ўтказилади.
«Кафолат»*	10 кун	23,0	10000	Ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 5 санасигача.
«Нуроний»*	3 ой	23,0	50000	Қариялар учун мўлжалланган.
«Орзу»*	3, 6 ва 12 ой	18,0	2000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Имконият»*	1 ойдан 1 йилгача	21,0	50000	Фониз даромадларини олиш муддатларини омонатчи белгилайди.
«Бинафша»*	1, 2, 3 ой	18,0	50000	Омонатчи саклаш муддатини хоҳишига қўра белгилайди.
«Уқувчи»*	2 ой	16,0	50000	Уқувчиларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун омонат.
«Ҳамкорлик»*	5 ой	23,0		Коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
«Фаровонлик»*	2 йил	3,0	10000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган.
Пластик карточка	талаб қилиб олингунча	16,0	3000	Ҳисобланган фониз даромадлари ҳар ойда капитализация қилинади.
<b>Асака банк</b>				
«Орзу»*	3 ой	18,0	5000	
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	17,0	1000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Муддатли	1-3 йил	17,0	1000	Фонизлар омонат ёшилганда тўланади.
Муддатли	3-5 йил	17,0	1000	Фонизлар омонат ёшилганда тўланади.
«Табассум»*	45 кун	18,0	250000	
«Наврўз»*	2 ой	18,0	250000	
«Умид»*	3 ой	18,0	10000	Капитализация билан.

\* муддатли, \*\* жамғарма, \*\*\* ютуқли.



**DAROMADIM KO'PAYSIN DESANGIZ...**

«Юбилейный»*	6 ой	18,0	150000	Фондлар ҳар ойда тўлаб берилди.
«Автоомонат»	2,5 йил	12,0		Кредит олиш учун.
«Харидор»*	3 йил	12,0		Истеъмол кредитига мўлжалланган.
Пластик карточка		16,0	1000	
<b>Ипотека-банк</b>				
«Антика»*	1, 6, 12 ой	22,21,20	5000	
«Болажон»*	5 йил	14,0		18 ёшга тўлгунча.
«Муस्ताкил юрт»*	2 ой	22,0	10000	Капитализация қилиниши мумкин.
«Эзгулюк»*	4 ой	21,0	10000	Фондларни ҳар ойда олиш мумкин.
«Хумо»*	3 ой	20,0	10000	Капитализация қилиниши мумкин.
«Истикбол»*	2 ой	22,0	10000	
«Адолат»*	6 ой	20,0	100000	Бошланғич бадал ойма-ой тўлаб берилди.
«Жозоба»*	3 ой	21,0	50000	Фондлар муддати тугагандан сўнг берилди.
«Манший хизмат тўловлари»*	1 йил	24,0		
Пластик карточка		16,0		
Уйжойжамгарма-банк омонати		2,0		
<b>Алоқабанк</b>				
Муддатли	3 ой	22,0	1000	Фондларни ҳар ойда олиши мумкин.
Муддатли	6 ой	22,0	1000	-/-
Муддатли	1 йил	23,0	1000	-/-
«Байрам»*	4 ой	20,0	1000	Энг кўп қўйиладиган омонат миқдори 10000000 сўм. Фондлар ҳар ойда берилди.
«Хумо»*	12 ой	20,0	10000	Фондлар омонат муддати тугагандан сўнг берилди.
«Махсус»		30,0	100	Бу омонатдан коммунал ва телефон тўловларига пул ўтказиш мумкин.
«Орзу»**	3 йил	3,0	20%ти Истеъмол кредити	Истеъмол кредити.
«Файзли»*	6 ой	21,0	10000	Фондлар ҳар ойда тўланади.
«Сахий»*	2 ой	22,0	100000	Фондлар омонат муддати тугагач берилди.
«Шифокор»*	6 ой	22,0	100000	Фондлар ҳар ойда тўланади.
«Тухфа»*	6 ой	20,0	100000	Капитализацияси билан.
«Яхши ният»**	6 ой	20,0	1000	Фондлар омонат муддати тугагандан сўнг берилди.
«Бахтли болалик»*	3-17 йил	30,0	10000	1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун.
<b>Ипак йўли банки</b>				
«Хазина»*	3 ой	20,0	100000	Ҳар ой фонд тўланади.
Муддатли	6 ой	22,0	100000	Ҳар ой фонд тўланади.
<b>Халқ банки</b>				
«Такдим этувчига»*	3 ой	18,0	5000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилди.
«Ташаккур»*	3 ой	18,0	5000	Тошкент вилояти учун.
«Маҳалла фидойилари»*	6 ой	36,0	300000	Маҳалла фаолларининг рўйхати асосида очилади. Фонди коммунал тўловлар учун.
«Олтин водий»*	6 ой	18,0	50000	Фонд олдиндан тўланади. Фарғона вилояти учун.
«Пойтахт»*	100 кун	18,0	1000	Омонат шартини бузилса ва омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фонд ставкаси бўйича даромади тўланади.
«Мукофот»*	3 ой	18,0	5000	
«Имконият»*	1 йил	14,0	10000	
«Даромад манбан»*	6 ой	22,0	100000	Фондлар ҳар ойда тўланади.
«Айём»*	3 ой	12,0	10000	Ютукли омонат тури.
«Ташаббус»*	3 ой	22,0	20000	Фондлар коммунал тўловларга ўтказиб берилди.
«Ҳамкор»*	1 йил	22,0	300000	Фондлар ҳар ойда тўланади.
«Фарзанд келажак»**	6 йил	14,0	10000	Фарзанд 7 ёшга тўлгунча амал қилинади.
«Муस्ताкил ҳаёт»**	6 йил	14,0	10000	Фарзанд 16 ёшга тўлгунча амал қилинади.
<b>Траст банк</b>				
«Баҳор»*	1 ой	21,0	100000	Муддати тугагандан сўнг капитал билан қўшиб берилди.
«Меҳр»*	45 кун	20,0	100000	Фондлар муддати тугагандан сўнг берилди.
«Марварид»*	3 ой	22,0	200000	Фондлар муддати тугагандан сўнг берилди.
«Окйул»*	24 ой	12,0		Автомобилнинг нархидан 50% кам бўлмаслиги керак, кредит олиш учун.
<b>Алп Жамол банк</b>				
«Ойла»*	6 ой	22	50000	
«Набира»*	1 йил	20	50000	
<b>Равнак банк</b>				
«Спратон»*	3 ой	22	300000	
«Олтин куз»*	3 ой	22	300000	Фонди муддати тугагандан сўнг олинади.
«Барака»*	6 ой	24	500000	Фондлар ҳар ойда тўлаб берилди.
<b>Туркистон банк</b>				
Муддатли	2 ой	22	50000	
Муддатли	3 ой	22	5000	Ўз вақтида олинмас ва назоратчи томонидан муддати узайтирилади.
Муддатли	6 ой	22	5000	
Муддатли	12 ой	24	10000	Фондлар муддати тугагандан сўнг берилди.
«Капитал плано»*	6 ой	22	5000	Фонд ҳар ойда тўланади.
<b>Капитал банк</b>				
Муддатли	12 ой	22	500000	Фондлар ҳар ойда тўланади.



**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БҲЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОНД СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ 2006 йил 1 август ҳолатига**

Депозит тури	Муддати	Йиллик фонди	Бошланғич бадал	Эслатма
<b>ТИФ Миллий банки</b>				
Эгаси ёзилган (Изошчой)				

Муддатли	1-2 йил	3,75 4 4,5	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	Фондлар белгиланган ставкалар бўйича чет эл валютасида тўланади.
Муддатли	2-3 йил	4,25 4,5 5,25	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	2,75 3 3,5	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3,25 3,5 4	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
"Хавас"***	1 йил	6	1000	3 ой муддатдан сўнг қўшимча маблағ қўйиш имконияти бор.
"Сармоя-1"***	45 кун	6	10000	Фондлар сўмда тўлаб берилди.
"Сармоя-2"***	2 ой	5,5	5000	Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
"Фойдали"***	6 ой	4,5	5000	Фондлар аванс тарикасида берилди.
<b>Такдим этувчига (на предьявителя)</b>				
Муддатли	1-2 йил	3,5 3,75 4,25	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил	4 4,25 4,75	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	2,5 2,75 3,25	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3 3,25 3,75	300-5000 5000-10000 10000 дан юқори	
<b>Ўзсаноаткурорчи банки</b>				
Пластик карточка Visa Electron		2	50	
Visa Classic		2	50	
Муддатли	1 йил	6	100	
<b>Асака банк</b>				
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	5,0	1000-2000	Фонди омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	5,5	2000-5000	Фондини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	6,0	5000 ва юқори	Фондини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
<b>Ипотека-банк</b>				
Муддатли	1-3 ой	2,5	1000	
Муддатли	3-6 ой	3,0	1000 юқори	
Муддатли	6-9 ой	3,5	1000 юқори	
Муддатли	9-12 ой	4,0	1000 юқори	
Муддатли	1-3 йил	5,0	1000 юқори	
Муддатли	3-5 йил	6,0	1000 юқори	
Муддатли	5 йилдан	8,0	1000 юқори	
<b>Туронбанк</b>				
Муддатли	12 ой	4,0	500	Қабул қилиш, фонд тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади.
Муддатли	3 ой	6,0	100	Фондлар тўлов кунига курс бўйича бўнак тарикасида берилди.
Муддатли	6 ой	8,0	500	
Муддатли	12 ой	10,0	1000	Курс бўйича бўнак тарикасида берилди.
<b>Халқ банки</b>				
Муддатли	1 йил	1,5	300	Фонд даромадлари талаб қилиб олингунча омонатига белгиланган фонд ставкаси.
<b>Равнак банк</b>				
"Victory"	3 ой	8	500	
"Comfort"	6 ой	9	500	
"Garant"	9 ой	10	1000	
"Prestige"	1 йил	11	1000	
<b>Ипак йўли банки</b>				
"Фортуна"*	2 ой	4		Фондлар олдиндан тўланади
	3 ой	5		-/-
	4 ой	5		-/-
	5 ой	6		-/-
	6 ой	7		-/-
	7 ой	8	500	Чораклик фондлар олдиндан тўланади
	8 ой	9	500	-/-
	9 ой	10	1000	-/-
	10 ой	10	1000	-/-
	11 ой	10	1500	-/-
	12 ой	10	2000	-/-
	<b>Капитал банк</b>			
Муддатли	3, 6, 9 ой	6	400	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	8	500	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	9	500	% лар олдиндан аванс берилди. МБ курси бўйича сўмда тўланади.
<b>Алп Жамол банк</b>				
Муддатли	90 кун	6	500	МБ курси бўйича сўмда тўланади.
	6 ой	7	500	
	1 йил	10	500	
<b>Алоқа банк</b>				
Муддатли	3 ой	3		
Муддатли	6 ой	3,5		
Муддатли	12 ой	4		
Муддатли	1 йилдан юқори	5		
<b>Траст банк</b>				
Ишонч-1*	3 ой	8	300	Фондлар сўмда берилди.
Ишонч-2*	6 ой	9	300	Фондлар аванс тарикасида берилди.
Ишонч-3*	9 ой	10	300	Фондлар сўмда берилди.

Ахборот ЎЗР Марказий банки томонидан «Банк ахборотномаси» учун махсус тақдим этилди.





## ЎЗИГА ЎЗИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – ЧАКАНА БАНК БИЗНЕСИГА

**Банкда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш чакана банк бўлимлари ходимлари ишини анча енгиллатади. Бундай тизимлар ходимларнинг зиммасидаги юкни қисман камайтириш учун жорий этилади, бундан ташқари улар банкнинг туну кун ишлашини ташкил этиш имконини беради.**

Улар ходимларни зерикарли операцияларни (нақд пулни ҳисобвараққа киритиб қўйиш, кредитлар тўлаш ёки, масалан, коммунал хизматлар ҳақини қабул қилиш) амалга оширишдан қисман қутқариб, ходимлар учун миқозларга масъула беришга кўпроқ вақт ажратиш ҳамда янги хизматларни илгарилатиш билан шуғулланиш имконини беради, шунингдек миқозларга хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ошириб, навбат кутишни камайтиради.

Аслида, конкрет банк ходимлари зиммасидаги юкнинг қанча камайиши ўзига ўзи хизмат кўрсатиш офислари тармоғини режалаштириш, лойиҳалаш ва ташкил этиш чоғида маркетинг, технология ва техникавий ечимлар мажмуи қанчалик ишланган бўлишига боғлиқ.

Айни вақтда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этиш, лойиҳани режалаштириш чоғида банк дуч келиши мумкин бўлган баъзи тўсиқларни ҳисобга олиши керак. Биринчи навбатда, миқозларнинг аънавий консерватизмининг ва янги техникага ишонмаслигини ҳисобга олиш зарур. Соф психологик нуқтаи назардан қараганда, одамлар пулни ўзлари тушунмайдиган автоматга мустақил равишда ишониб топширишдан кўра ҳисобвараққа пул қўйиш учун касса олдида навбат кутиш ёки тўлов ҳужжатини операцияни бажарувчига топширишни маълум қўришади. Шу сабабли тизим интерфейси тайёргарлиги бўлмаган фойдаланувчи учун мумкин қадар жўн ва тушунарли бўлиб, истаган пайтда киритилган маълумотларни аниқлаштириш ёки бекор қилиш имконини бериши керак. Бундан ташқари, кўпинча миқоз операцияни амалга оширишдан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида автоматга қараганда билимдонроқ ва зийракроқ бўлиши талаб қилинадиган банк ходимдан бирор нарса аниқлаб олишни истайди ва унинг бу истагини бемалол тушунса бўлади.

Мустақил амалга ошириш учун миқозга тақлиф қилинадиган операцияларнинг осон ёки мураккаблигини оқилона баҳолаш, шунга мувофиқ улар рўйхатини кенгайтириб боришни режалаштириш, айни вақтда "ёқмаган" автоматлаштирилган хизматлардан қўрилиб бориш зарур. Банкнинг call-маркази базасида фойдаланувчиларни туну кун қўллаб-қувватлаш хизмати мавжуд бўлиши, бу хизмат зарур ҳолларда ҳар қандай операцияни амалга оширишга аралаша оладиган бўлиши керак. Банкда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тизими билан оддий банк

бўлимлари жуда яхши боғланган бўлиши керак, токи банк ходимлари иш вақтида миқозларга улар учун янги технологияни ўзлаштиришда ёрдам бера оласинлар. Шунингдек бундай бўлимларнинг хавфсизлик тизимини тўғри йўлга қўйиш, шу жумладан туну кун видеокузатув олиб борилишини таъминлаш жуда муҳим.

Ғарбда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш офислари, қоида тариқасида, қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- валюта айирбошлаш;
- ўз ҳисобварақларининг ҳолати ва банк хизматлари тўғрисида ахборот олиш;
- мобил алоқа, кабелли телевидение, коммунал хизматлар ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш;
- нақд пул бериш ва уни ҳисобвараққа киритиб қўйиш ҳамда маблағни бир ҳисобварақдан иккинчисига ўтказиш;
- сейф ячейкаларидан фойдаланиш ва бойликларни "тунги" сейфда вақтинча сақлаш.

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш офислари самарали ишлаши учун банкнинг фронт-ва бэк-офиси имкониятлари, уларнинг сифати бир-бирига мос бўлиши зарур. Операцияларни амалга ошириш чоғида кўпинча бир нечта бэк-офис кичик тизимларига мурожаат қилиш зарурияти туғилади. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш офисларида замонавий тизим ўрнатилганидан кейин банк бэк-офиси ошиб кетган ахборот оқимини қайта ишлашга улгура олмаган ҳоллар маълум. Умуман, банкнинг чакана хизматлар бозорига кириши барча бизнес-жараёнлар жиддий равишда қайта қурилишини англайди. Банк хизматларини етказиб бериш каналлари сони (интернет-банкнинг, мобил банк, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш офислари) кўпайиб борган сари ҳамма каналларни ягона технологик асосда – интеграцияланган ечим асосида амалга ошириш энг яхши вариант бўлиб қолади. Интеграциялаш хизмат кўрсатиш харажатлари камайишига, янги каналларни жорий этиш ва улар орқали кўрсатилаётган хизматларга ўзгаришлар киритиш тезлашишига олиб келади. Бундан ташқари, фақат каналларни сифатли интеграциялаш call-марказ мутахассисига зарур ҳолларда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бўлимида операцияни амалга ошириш ва тезлик билан миқозга ёрдам бериш жараёнига қўшилиш имконини беради.

**Ахборот ва статистика бўлими томонидан чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

## БАНК РЕКЛАМАСИ:

Банк хизматларини реклама қилиш ҳар қандай бошқа маҳсулот турини реклама қилишга қараганда анча мураккаб. Бунда мавжуд бўлган кўпдан-кўп қўқонларга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Банк операцияларининг бошқа барча операциялардан асосий фарқи шуки, уларни, образли қилиб айтганда, ҳамма вақт ҳам инсоннинг бешта сезги органи ёрдамида билиб олиш мумкин бўлавермайди. Уларни расмга олиш ҳам, буюм сифатида тасвирлаш ҳам мумкин эмас.

Банк рекламаси:

- *имиж рекламасига;*
- *банкчилар тили билан айтганда, айрим маҳсулотлар, яъни: ҳисобварақларни, қарзларни, кредит карточкаларини бошқариш тизимлари рекламасига бўлинади.*

Имиж рекламасининг мақсади – жамоатчилик ўртасида, аввало фаол ва бўлажак миқозлар ўртасида банкнинг ўзига ҳам, у кўрсатадиган хизматларга ҳам ишонч туғдирадиган жозибали банк имижини яратишдан иборатдир.

Банк маҳсулотлари рекламаси банк кўрсатадиган хизматларга доир ахборотни миқозларга етказишдан иборат.

Банклар рекламасида рекламачилар кўпинча ўзига хос товар бўлган банк хизматларининг хусусиятларини бирон-бир тарзда ифодаладиган образларни намойиш қилишга мажбур бўладилар.

Буюм билан боғлиқ бўлган ана шу образлар доираси ғоят катта бўлиб, банк фаолиятининг аксессуарларини (чеклар, пластик карточкалар, векселлар, ниҳоят, пуллар) ҳам, банк рекламасида мажозий восита бўладиган гуллар ва ҳайвонларни ҳам ўз ичига олади. Мана шу жойда биринчи ва асосий хавф яширинган: истеъмолчи у ёки бу банк хизматини реклама қилиш учун бирон-бир буюм тасвирланган рекламани кўриб, уни мажозий маънода қабул қилмасдан, тасвирланаётган буюмнинг тўғридан-тўғри рекламаси деб қабул қилиши мумкин. Мажозий восита бўлиб хизмат қилиши керак бўлган реклама тасвири истеъмолчи томонидан тўғридан-тўғри қабул қилинган ва бу рекламани тушунамаслига олиб келган ҳоллар банк рекламаси тарихида мисоллар кўпайиб учрайди. Масалан, чет эл банкларидан бири реклама эълонининг марказига каттакон телефон расмининг жойлаштирган. Рекламачиларнинг режасига кўра, бу расм истеъмолчининг фаол ҳаракатга – банк офисига кўнгирак қилишга ундаши керак бўлган. Лекин, бахтсизликни қарангки, банкнинг реклама кампанияси телефон компаниялари ривожланаётган, телефон компаниялари ҳам ўз хизматларини тақлиф қилиб, фаол рекламани анча кучайтирган даврга тўғри келиб қолган. Натижада, реклама берган банкка телефон алоқаси хизматлари ҳақидаги саволлар билан кўнгираклар ёғилиб кетган. Телефон расми истеъмолчиларнинг эътиборини жалб этадиган асосий воситага айланиб, бўлажак харидорларни чалғитган ва улар банк рекламасини телефон компаниясининг рекламаси деб қабул қилганлар.

Шундай қилиб, ўзига хос товар бўлмиш банк хизматларини бозорда илгарилатиш учун банк рекламасида у ёки бу мажозий воситалардан фойдаланишнинг хатарли томони бор: миқоз тасвирга кўз қирини ташлаб, уни тўғри маънода, яъни бевосита тасвирланган буюмнинг рекламаси сифатида талқин қилиши мумкин. Агар унда ушбу товарга эҳтиёж бўлмаса, у ўз эътиборини банк рекламасидан бошқа нарсасга қаратади-қўяди. Шу сабабли **банк рекламаси учун реклама эълонига асос бўладиган рағбатлантириш ва қизиқтириш воситаларини аниқ белгилаш** наинки муҳим масала, балки ҳал қилувчи ма-

салага айланади.

Банк рекламасининг яна бир муҳим хусусияти мана бу: банк хизматларининг "номоддийлиги" туфайли товарни тўғридан-тўғри намойиш қилиш имконига эга бўлмаган банк ишонтириш воситаси сифатида ишлаб чиқарувчининг образидан фойдаланишга мажбур. Бунда у ҳақли равишда ишлаб чиқарувчига ижобий муносабат яратилган хизматларга ўз-ўзидан ўтади, деб ҳисоблайди.

Алоҳида айтиб ўтишга арзигулик яна бир хусусият – банк хизматларининг индивидуаллигидир. Саноат товарларининг кўпчилиги оммавий истеъмолчи учун ишлаб чиқарилади. Чакана сотувчи ўз товарини пештахта устига қўяр экан, ҳар бир харидор ҳақида алоҳида ўйламайди. Унинг учун харидорлар кенг социал гуруҳларга бирлашган. Банк хизматларига келсак, бунда аҳвол бошқачароқ. Банк хизматларининг ҳар бир харидори сотувчи кўз ўнгида индивидуаллашгандир. Банклар ўз миқозларини шахсан бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда исмларидан таниши керак. Банкдан ташқари яна қайси ишлаб чиқарувчи ўз товарларининг ҳамма харидорлари ҳақида номма-ном маълумотлар банкка эга? Бундан ташқари, банклар ҳар доим озми-кўпми, доимий миқозлар билан ишлайди. Банк ўз миқозларига кўрсатадиган кўпгина хизматлар узоқ муддатга мўлжалланган. Депозит ва жорий ҳисобварақлар, индивидуал пўлат сандиклар, пластик карточкалар – узоқ мудатли хизматлар бўлиб, улар орадан анча вақт ўтгач, ўз самарасини беради. Шу сабабли банкларни реклама қилган вақтда шахсий мулоқотни намойиш этиши, миқоз билан банкнинг алоқасини шахсийлаштириши, умуман ва бутунлай ўзаро ишонч муҳитини яратиши керак бўлган усуллардан рекламанинг бошқа турларидагига қараганда анча кўп фойдаланилади.

Ишонч – реклама муваффақиятли бўлишининг зарур шартидир. Бўлажак истеъмолчи товарни сотиб олишга қарор қилиши учун у ишлаб чиқарувчига ишониши, унинг рекламасини ижобий қабул қилиши керак. **Банк рекламасига келсак, - бунда ишонч омили асосий ва ҳал қилувчи омилдир.** Фақат келажакда фойда кўришни ваъда қилиб, одамни ўз пулини ҳозир, шу дақиқада топширишга мажбур қилиш қийин. Банкнинг ишончли ва ҳалол эканига амин бўлишдан бошқа яна нима миқозни ўз жамғармаларини банкка беришга ишонтира олади? Шунинг учун ҳам банк рекламаси бозорини шакллантиришнинг дастлабки қадамларидан бошлаб ҳозирги кунгача ишонч ва ишончлилик бутун дунёда банк рекламасининг энг машҳур ва тез-тез такрорланиб турадиган мавзуларидир.

Банклар томонидан кўрсатиладиган хилма-хил хизматлар банк рекламасини бошқа барча турдаги рекламалардан фарқлантирувчи кўрсаткич деб ҳақли равишда ҳисоблаш мумкин. Агар саноат товарини реклама қилган вақтда биз битта реклама объекти билан ишлайдиган бўлсак, банкни реклама қилганда эса биз миқозга бутун бошли хизматлар мажмуаси ҳақида ахборот беришимиз керак. Одатда банклар ҳар қайси хизмат учун мустақил реклама кампанияларини ўтказишади. Аммо, бу кампаниялар реклама материални беришининг ягона услубига бирлаштирилган бўлади.

**Банк рекламасининг яна бир хусусияти шуки, у мутлақо бошқа-бошқа турдаги икки миқозга: хусусий шахс ва ташкилотга қаратилган бўлади.** Хусусий миқозларга қаратилган рекламада мурожаат одатда рекламачида муаммолар туғдирмасан-да, ташкилот билан муомала қилиш кўпинча ечилиши қийин вазифа бўлади.

Ҳар қандай реклама каби банк рек-

## БАНК – КРЕДИТ – МИЖОЗ: УЧЛИК САМАРАДОРЛИГИ

Маълумки, 2005 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Бундай ижобий натижаларга сабаб бўлувчи омиллардан бири мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулк улушини кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишга алоҳида аҳамият берилганлигидир. Чунки кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этибгина қолмасдан, иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, бугунги кунда 1 млн. дан ортқик киши фермер-деҳқончилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Шу боисдан ҳам ўтган йилги пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалла ҳосилининг 55 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз бўлади.



Иқтисодий ислохотларнинг самарали кечаётганлиги молиявий ташкилотлар фаолиятига ҳам боғлиқдир. Хусусан, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Тошкент вилояти бошқармасида ҳам айни пайтда 6 та бўлим ва улар қошида очилган 11 та мини-банк қишлоқ хўжалик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб, микрокредитлар ажратиш келмоқда.

Банкнинг вилоят бошқармаси йил бошидан буён жами 697 млн. 938 минг сўм миқдорига узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ажратган бўлиб, уларнинг 170 млн. сўми бевосита фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади. Масалан, "Микрокредитбанк" Тошкент вилоят бошқармасининг Ғазалкент бўлими миқозни бўлган "Нанай" фермер хўжалиги чорвачиликни ривожлантириш учун 2 млн. 500 минг сўм миқдорига кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг 2 бараварга оширишга муваффақ бўлди. Шунингдек, олинган кредит эвазига ушбу фермер хўжалигининг иш фаолияти бир мунча кенгайди.

АТ "Микрокредитбанк" Тошкент вилоят бошқармаси республика Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли Қарорига мувофиқ бугунги кунда яна 50 га яқин мана шундай қишлоқ хўжалик субъектларига молиявий жиҳатдан таянч бўлиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.





# АНЪАНАЛАР ВА ЯНГИЛИКЛАР

ламаси ҳам истеъмолчига таъсир этиши керак.

Мижознинг банкни қабул қилиши икки таркибий қисмдан: ишонч деб аталадиган когнитив (рационал) қисдан ва маркетингда муносабатлар сифатида машҳур бўлган ҳис-туйғу қисмидан ташкил топади. Ишонч мижознинг банка баҳо беришидир. Бунда мижоз товарларнинг ушбу тоифасини баҳолаш учун ўз онгида шаклланди мезонларга амал қилади. Мезонлар онгли равишда назорат қилинади ва миқдор жиҳатидан таҳлил этилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўзига банк танлар экан, унинг фикрича, яхши банкка хос бўладиган бир қатор хусусиятларни шакллантиради. Сўнгра у бутун ахборотни (шу жумладан турли банкларнинг реклама орқали мурожаатларини ҳам) мана шу кўрсаткичлар (мезонлар) асосида қайта ишлайди, банк муассасаларини даражаларга ажратади. Равшанки, ҳамма мезонлар ҳам истеъмолчи учун бирдай қадрга эга эмас.

Масалан, мижоз банкни баҳолаш ҳолатини 5 мезонли қилиб тузиши мумкин:

- Ишончлилиқ.
- Бақувватлик.
- Хизматлар мажмуи.
- Банк омонатлар бўйича таклиф қиладиган фоиз.
- Халқаро алоқаларнинг мавжудлиги.

Мезонлар иерархиясини аниқроқ белгилаш учун маркетинг тадқиқотлари олиб бориш керак. Шундагина реклама кампанияси учун буюртма бажарадиган банк реклама бўлими ва реклама агентлиги аниқ маълумот олади, реклама гоёсини, шунингдек у қандай шаклда амалга оширилишини белгилай олади.

Истеъмолчиларимизнинг банк танлаш вақтида амал қиладиган мезонлари Фарба қабул қилинган мезонлардан кўп ҳам фарқланвермайди. Маркетинг тадқиқотларининг маълумотига қараганда, банк хизматларини истеъмол қилувчилар бозорида асосий мезон – банкнинг ишончлилигидир.

Мижознинг банк билан муносабати ҳиссийатга ҳам боғлиқ. Бу муносабат банк хизматчилари билан мулоқот қилиш натижасида мижозда туғилган имиж туфайли вужудга келади. Ушбу муносабат интенсивлик атамалари билан – қатъий ифодаланган салбий муносабатдан то ўта ижобий баҳогача – ўлчаниши мумкин.

### Бугунги банк рекламаси

Бугунги банк рекламаси кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда. Банк фалсафаси ўзгармоқда – банклар ўзларини энг яхши банк деб атамаётирлар, улар ўзларини қулай банк деб кўрсата бошладилар.

Банклар мижозсиз яшай олмасликларини, мижозлар банкнинг асосий сармояси эканлигини тушуниб етдилар. Хусусий мижозни мўлжаллаб ишлаш шунга олиб келдики, банклар телевизион ва ташқи рекламадан аввалдагига қараганда кенгроқ фойдаланадиган бўлишди.

Реклама мурожаатларининг ҳаммадан кўп тарқалган шакллари келтирамиз.

**Махсулот фойдасига гувоҳлик бериш.** Реклама мурожаатига мижозларнинг махсулот ҳақидаги маъқуловчи фикрлари асос қилиб олинмоқда, банк билан ҳамкорлик қилиш фойдали эканлиги таъкидланмоқда. Бундай рекламани амалга ошириш учун "фикр берувчилар" ҳам, оддий мижозлар ҳам жалб этилади.

**Самимий реклама.** Бундай шаклдан фойдаланиш таклиф қилинаётган махсулотлар тўғрисида ишончли ва холисона ахборот бериш, истеъмолчининг конкрет эҳтиёжини қондира ола-

диган фазилатларни алоҳида таъкидлашга асосланади. Бундай рекламанинг муҳим жиҳати мижоз тақдим этилаётган хизматдан фойдаланганида олиши мумкин бўлган реал фойдага урғу беришдан ҳамда муайян ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган бўлишидан иборат.

**Намойиш этиладиган реклама.** Реклама мурожаатини бундай шаклда амалга оширишнинг моҳияти шундаки, махсулотдан фойдаланиш тартиби бунинг учун хос бўлган вазиятда намойиш қилинади. Бундан ташқари таклиф қилинаётган махсулотнинг оддийлиги ва қулайлиги ҳар томонлама таъкидланади. Бунга пластик карточкаларни тарғиб қиладиган реклама кампаниялари мисол бўла олади.

Реклама кампаниясида мультипликация образларини ва бошқа рамзий персонажларни қўллаш мурожаатларнинг жозибадорлигини, ғайриоддийлигини ва эсда қолишини кучайтиради. Кўпчилик ҳолларда рекламанинг бундай шакли ҳазил аралаш қўлланилади ва "яқинига йўлаб бўлмайдиган" банклар имижини юмшатишга ёрдам беради.

**Янгиликлар шакли.** Бундай шаклда намойиш қилинган реклама эълонлари ўқувчи томонидан улар жойлаштирилган журналнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилинади. Янгиликлар шаклидаги реклама айнан ахборот беришнинг шундай усули туфайли қизиқиш уйғонишига ва ўқувчилар доираси кенгайишига ёрдам беради.

**Ўргатувчи реклама.** Бундай шакл у ёки бу махсулотдан фойдаланиш хусусиятларига эътиборни жамлаш, шунингдек махсулот ҳақида зарур ахборот бериш лозим бўлганида қўлланилади. Бунга "Эртанги кун банки" шиори остида ўтказиладиган кампаниялар мисол бўла олади. Бундай кампаниялар рекламадан тушунтириш шаклида, илғор банк технологиясига таянадиган электрон банк хизматлари сифатида фойдаланади, улар бир қатор муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин.

**Касб маҳоратини таъкидлаш.** Бундай рекламада асосий урғу хизмат кўрсатиш соҳасидаги жуда катта тажрибага берилади. Бу эса кўпинча бўлажак мижоз банк танлаётганида ҳал қилувчи омил бўлади.

**Ҳазил-мутойиба вазиятини пайдо қилиш.** Реклама ахборотини бундай шаклда тақдим этишнинг афзаллиги шуки, унда ҳис-туйғулар уйғонади ва реклама яхши эслаб қолинади. Шу билан бирга, банклар корпоратив бозорга мўлжалланган ўз рекламасида ҳазил-мутойиба вазиятини пайдо қилишдан камдан-кам ҳолларда фойдаланадилар. Ақсинча, реклама мурожаатининг бундай шакли кўпинча чакана мижозларга хизмат кўрсатиш чоғида учрайди.

Хусусий мижозлар ва корпоратив мижозлар билан ишлаш ўртасида муҳим фарқ бор. Бу ҳолларнинг ҳар бирида, мутахассисларнинг фикрича, ё корпоратив мижозга ёки хусусий шахсга қаратилган алоҳида реклама кампаниясини олиб бориш зарур.

Хусусий омонатчилар билан ишлайдиган банкларга биринчи навбатда имиж рекламаси керак. У истеъмолчиларда муайян банк образини: ишончли, кучли, лекин айна вақтда қулай, мижозга мўлжалланган банк образини яратишга қаратилган. Имиж рекламаси билан бирга махсус акциялар, чегирмалар, янги хизматлар пайдо бўлганлиги ҳақида сўз юритадиган турли "махсулот" тақдим этилиши мумкин.

Яна бир нозик жиҳат: банк реклама кампаниясини ўтказар экан, рекламага қайта-қайта пул сарфлашга мажбур. Бунинг иккита сабаби бор.

Биринчидан, кенг жамоатчиликка ўзи ҳақида бир марта маълумот берган банк ўзининг мавжудлигини ва ўз молиявий муваффақиятларини доимий

тарзда эслатиб туриши керак, ақс ҳолда реклама бермаслик молиявий танглик белгиси деб тушунилиши мумкин.

Иккинчидан, йил давомида банк хизматлари бозорида мавсумий ўзгаришлар юз бериб туради. Масалан, ёзда корпоратив мижозларнинг фаоллиги пасаяди, хусусий мижозларнинг фаоллиги эса ортади. Шу сабабли реклама кампаниясини режалаштирган вақтда амалий фаолликдаги табиий ўзгаришларни ҳисобга олиш керак бўлади. Банклар корпоратив мижозларга одатда молия йилининг бошлари – октябрдан декабр ойигача реклама воситасида максимал даражада таъсир кўрсатадилар.

Бевосита қилинадиган рекламадан бошқа реклама ҳам мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, банклар учун бренд ва товарларни бозорга олиб чиқишнинг билвосита усуллари анча ўринли бўлиши мумкин. Масалан, PR-технологиялар. Улар ёрдамида бўлажак истеъмолчига анча кучли таъсир кўрсатишга эришиш мумкин.

Озгина маблағ сарфлаб, ҳар бир мижозни банкнинг реклама агентига айлантиришда дурустгина натижаларга эришиш имконини берадиган "ресурс ечимлари"га бир қанча мисоллар келтирашимиз.

1. Фирмани туғилган куни билан табриклаш юридик шахсларга қаратилган арзон ва самарали реклама воситаси бўлиши мумкин. Фирманинг туғилган кунини банкда сақланадиган уставнинг нусхасида кўрсатилган рўйхатга олиш санасига қараб билиб олиш қийин эмас. Бундан ташқари, аёл бўлгалтерга кичкина совға ва гуллар билан табрикнома топширилса, ҳеч шубҳа йўқки, фирма раҳбарияти ўз шерикларига ва мижозларига юзлаб яхши сўзларни айтади.

2. Юридик шахслар учун хизматларни реклама қилиш ҳамда банк иши ҳақида сўз очиш мақсадида мўлжалдаги аудитория орасида вақти-вақти билан чек дафтарчаларининг номерлари ва/ёки ҳисоб-китоб варақларининг номерлари бўйича лотерея ўтказиб туриш тавсия этилади. Ахборот мижознинг қутисига келиб тушади.

3. "Мингинчи тўлов учун", "Ўн мингинчи тўлов учун" ва ҳоказо мижозларнинг ҳисобварақларига озгина миқдорда муқофот пули ёзиш керак. Шунга ўхшаб, вақти-вақти билан "Банк юридик шахслар билан ўн мингинчи операцияни амалга оширди", "Банк юридик шахслар билан юз мингинчи операцияни амалга оширди" деган бошланғич ахборот тарзида реклама бериб туриш керак.

4. Мижозларни йўқотмаслик учун, шунингдек гап бошлаш (иккиламчи реклама) мақсадларида моделлар совға қилиш ва "банк-мижоз" тизимига улаш таклиф қилинади. Маблағ айланмаси катта бўлган мижозларга уларни совға қилган маъқул.

Банк бизнеси ўз табиатига кўра венчур, яъни хатар билан боғлиқ бизнеспир. Банклар энг нозик ҳамда ишбилармонлар ва тадбиркорлик тузилмаларининг муносабатига боғлиқ бўлган ташкилотдир. Банк кўплаб хилма-хил шериклар – хусусий шахслар, тадбиркорлик тузилмалари билан, банклараро даражада бошқа банклар билан ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ўз пулини банкка ишониб топширади. Бутун банк тизими ва банк фаолиятига асос бўлган ишонч эса йиллар давомида меҳнат билан яратиладиган, аммо осонгина қўлдан кетадиган нарсадир. Мижознинг хайрихоҳлигига эришиш учун унинг муаммоларини ҳал қилиш керак. Тадбиркор Генри Форд айтганидек: "Бизнес – бу хизмат қилиш демакдир".

**Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.**




2006 йил 8 августдан 14 августгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар\*

1 АҚШ доллари	
Россия Федерацияси	
08.08.2006 й.да	- 26,70 росс. рубли
09.08.2006 й.да	- 26,73 росс. рубли
10.08.2006 й.да	- 26,74 росс. рубли
11.08.2006 й.да	- 26,67 росс. рубли
12.08.2006 й.да	- 26,79 росс. рубли
Украина	
08.07.2006 й.да	- 5,0500 гривна
09.08.2006 й.да	- 5,0500 гривна
10.08.2006 й.да	- 5,0500 гривна
11.08.2006 й.да	- 5,0500 гривна
Беларус Республикаси	
08.08.2006 й.да	- 2142,00 бел. рубли
09.08.2006 й.да	- 2142,30 бел. рубли
10.08.2006 й.да	- 2142,25 бел. рубли
11.08.2006 й.да	- 2142,00 бел. рубли
14.08.2006 й.да	- 2142,00 бел. рубли
Эстония	
08.08.2006 й.да	- 12,1830 крона
09.08.2006 й.да	- 12,1564 крона
10.08.2006 й.да	- 12,1621 крона
11.08.2006 й.да	- 12,2535 крона
14.08.2006 й.да	- 12,2766 крона
Латвия	
08.08.2006 й.да	- 0,5418 лат
09.08.2006 й.да	- 0,5405 лат
10.08.2006 й.да	- 0,5409 лат
11.08.2006 й.да	- 0,5449 лат
14.08.2006 й.да	- 0,5459 лат
Литва	
08.08.2006 й.да	- 2,6885 лит
09.08.2006 й.да	- 2,6825 лит
10.08.2006 й.да	- 2,6843 лит
11.08.2006 й.да	- 2,7040 лит
14.08.2006 й.да	- 2,7086 лит
Молдова	
08.08.2006 й.да	- 13,3650 лей
09.08.2006 й.да	- 13,3000 лей
10.08.2006 й.да	- 13,2000 лей
11.08.2006 й.да	- 13,2500 лей
14.08.2006 й.да	- 13,2500 лей
Қирғизистон Республикаси	
12.08.2006 й.да	- 39,5429 сом
Тожикистон Республикаси	
08.08.2006 й.да	- 3,3784 сомоний
09.08.2006 й.да	- 3,3786 сомоний
10.08.2006 й.да	- 3,3790 сомоний
Қозоғистон Республикаси	
08.08.2006 й.да	- 122,44 тенге
09.08.2006 й.да	- 122,45 тенге
10.08.2006 й.да	- 122,57 тенге
11.08.2006 й.да	- 122,33 тенге
14.08.2006 й.да	- 122,42 тенге
Швейцария	
08.08.2006 й.да	- 1,2249 швейц. франки
09.08.2006 й.да	- 1,2243 швейц. франки
10.08.2006 й.да	- 1,2260 швейц. франки
11.08.2006 й.да	- 1,2371 швейц. франки
14.08.2006 й.да	- 1,2390 швейц. франки
Япония	
08.08.2006 й.да	- 115,13 япон иенаси
09.08.2006 й.да	- 115,14 япон иенаси
10.08.2006 й.да	- 114,72 япон иенаси
11.08.2006 й.да	- 116,03 япон иенаси
14.08.2006 й.да	- 116,32 япон иенаси
1 Англия фунт стерлинги	
Буюк Британия	
08.08.2006 й.да	- 1,9053 АҚШ долл.
09.08.2006 й.да	- 1,9050 АҚШ долл.
10.08.2006 й.да	- 1,9037 АҚШ долл.
11.08.2006 й.да	- 1,8937 АҚШ долл.
14.08.2006 й.да	- 1,8934 АҚШ долл.
1 евро	
Евроминтақа	
08.08.2006 й.да	- 1,2842 АҚШ долл.
09.08.2006 й.да	- 1,2868 АҚШ долл.
10.08.2006 й.да	- 1,2860 АҚШ долл.
11.08.2006 й.да	- 1,2766 АҚШ долл.
14.08.2006 й.да	- 1,2743 АҚШ долл.

\* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.





## ХМК: ҲАМКОРЛИККА ДОИМ ТАЙЁРМИЗ

**Истиқлол йилларида Ўзбекистон молия бозорига кўпгина халқаро молиявий ташкилотлар кириб келди. Уларнинг маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлиги тобора мустақамланиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон банки гуруҳига кирувчи нуфузли ташкилотлардан бири – Халқаро молия корпорацияси бугунга келиб Ўзбекистон банклари ва ишбилармонларининг ишончли шеригига айланди. Мухбиримиз Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси координатори Элбек Рихсиев билан ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида суҳбатлашди.**

- Элбек Раҳимбердиевич, суҳбатимизни Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистондаги асосий фаолият йўналишлари ҳақида сўз юритишдан бошласак.

- Ўзбекистонда ваколатхонамиз 2001 йилда иш бошлади. Биз иккита йўналиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Биринчи йўналиш ишлаб чиқариш компанияларига кредитлар ажратиш лойиҳаларини қамраб олади. Иккинчи йўналиш эса, Ўзбекистон банкларига кредитлар ажратишни ўз ичига олади. Ўз навбатида, бу маблағлар асосида маҳаллий банклар хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар берадилар. Ваколатхона расман очилганига энди беш йил тўлган бўлса-да, аслида ХМК Ўзбекистонда 1993 йилдан - Ўзбекистон корпорация аъзолигига қабул қилингандан буён турли лойиҳаларни амалга ошириб келади. Жумладан, шу кунга қадар бешта маҳаллий банкка кредитлар ажратдик. ТИФ Миллий банки, "Асака" банки, "Парвина" банки ва "Ҳамкорбанк"ларга турли

кредитлар ажратган бўлсак, АБН Амро банк устав фондига ўз улушимизни қўшдик. Бундан ташқари, бошқа банклар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Бунинг учун банк олдида кўядиган асосий шартимиз – унинг хусусий, нодавлат банк бўлишидир. Иккинчидан, унинг фаолияти банк нормативларига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак. Лекин биз олинган кредитларни бирор йўналишга сарфланиши бўйича талаб қўймаймиз. Кредитни қайси соҳага жойлашни банкнинг ўзи ҳал этади. Шу кунга қадар ХМК Ўзбекистонга ўз маблағлари ҳисобидан қарийб 65 млн. АҚШ долларига тенг кредит, шунингдек, 12 млн. доллар синдикатланган кредит ажратди.

- Кейинги пайтларда хусусий бизнес ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан лизинг ва микрокредитлаш операциялари каби янги хизмат турлари кенг жорий қилинмоқда. Корпорация ўз фаолияти давомида бу ўзгаришларни ҳам инобатга олмақдами?

- Албатта, ваколатхонамиз бу масалаларда ҳам ўзбекистонлик хусусий банкларга ёрдам беришга тайёр. Хусусан, яқинда Халқаро молия корпорацияси кўп йиллик фаолият тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий лизинг жамғармасини ташкил қилди. Бу жамғарма Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон банклари билан иш олиб боради. Барча банклар ундан лизинг операциялари учун маблағ олиши мумкин. Бунинг учун банкка қўйидаги талаблар қўйилади: биринчидан, у нодавлат хусусий банк бўлиши керак, иккинчидан, банк мутахассислари лизинг операциялари бўйича тренингдан ўтишлари керак. Яна бир муҳим шарт – лизинг жамғармасидан кредит олган банк бу кредитларни фақат лизинг операцияларига ишлатиши мумкин. Жамғарманинг умумий ҳажми дастлабки босқичда 20 млн. АҚШ доллари қилиб белгиланди. Кейинчалик, жамғарма яхши самара бера бошласа, унинг фаолиятига банклар томонидан қизиқиш орта, жамғарма ҳажмининг янада кенгайтирамиз.

- ХМКнинг маҳаллий банклар билан молиявий ҳамкорликлари таҳсинга сазовор, албатта. Лекин, ҳозирги кунда банкларимиз жаҳон андозаларида фаолият юритиш учун малакавий кўмакка кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар. Корпорациянинг бу борадаги ишларига ҳам тўхталсангиз.

- Биз Ўзбекистон банкларига хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари асосида йўлга қўйишларига кўмаклашиб келамиз. Бунда банк мутахассислари малакасини бевосита иш жараёнида ошириб боришга алоҳида эътибор қаратамиз. Мисол тариқасида олсак, бизнинг мутахассисимиз яқин ҳамкорларимиздан бўлган "Ҳамкорбанк"да икки ярим йил давомида жаҳон стандарти бўйича иш-

лаш усуллари татбиқ этишга кўмаклашди. Ҳозир ишонч билан айта оламки, бу банк Ўзбекистондаги жаҳон андозаларида ишлаётган банклардан биридир. Худди шундай тадбирни "Парвина" банкида ҳам амалга оширдик. Бундан ташқари, турли семинарлар ва тренинглар ҳам ташкил этиб борилади. Малакавий ёрдамнинг нечоғли самарадорлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, айтишим керакки, ХМК дунёдаги ривожланаётган давлатларнинг 90 фоизда иш олиб борапти. Бизнинг халқаро тажрибамизда бирорта ҳам муваффақиятсиз лойиҳа бўлмаган. Бунинг бош омили корпорация мутахассисларининг юксак малакасидир. Улар берадиган маслаҳатлар Ўзбекистон банклари учун ҳам фойдали ва унумли бўлиши аниқ.

- Суҳбатимиз сўнгида ваколатхонанинг келажақдаги режалари билан ўртоқлашсангиз...

- Олдимизда аввало лизинг жамғармаси фаолиятини яхши йўлга қўйиб олиш вазифаси турибди. Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистонда кечаётган хусусийлаштириш жараёни корпорация раҳбариятида қизиқиш уйғотмоқда, шу сабабли ХМК маҳаллий молия ва телекоммуникация соҳасига киритилаётган инвестициялар қўламини кенгайтириш ва ушбу соҳалардаги баъзи корхоналарни хусусийлаштиришда иштирок этишни режалаштирган. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, ваколатхонамиз биз билан ҳамкорлик қилиш ниятида бўлган барча маҳаллий молиявий ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ишлашга доимо тайёр.

- Суҳбатингиз учун раҳмат.

Алишер ДАВЛАТОВ  
суҳбатлашди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таклиф этилаётган концепция лойиҳасида илгари қисман солиқ солинадиган телекоммуникация хизматлари учун тўлов ва реклама харажатлари сингари харажатлар учун юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни солиқ солинадиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташлаш тадбиркорлик субъектларининг амалий фаоллигини рағбатлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга кириб боришига йўналтирилган.

Юқори тоннажи юк автотранспорт воситаларини, кўп ўринли автобусларни, махсус автомобилларни харид қилиш ёки вақтинча олиб келиш учун йиғим миқдорини 20 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш кўплаб ишлаб чиқариш, транспорт ва туристик корхоналарга ўз автотранспорт воситалари паркинни янгилашни жадаллаштириш имконини беради.

Иккинчидан, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш. Такдим этилган лойиҳада даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси куйи шкаласини 13 фоиз даражасида сақлаб қолган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинганда ўртача шкалани 20 фоиздан 18 фоизгача ва энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ даромад олинганда юқори шкалани 29 фоиздан 25 фоизгача камайтириш назарда тутилган. Бу аҳоли даромади ўсишида бевосита акс этади.

Учинчидан, ресурс солиқлари улушини кўпайтириш билан бир вақтда тўғри солиқлар улушини босқичма-босқич пасайтириш ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми таркибини ўзгартириш учун уларни тегишли равишда индексация қилиш назарда тутилмоқда. Бу табиий ресурслардан ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишга оқилона муносабатда бўлишни рағбат-

лантириш имконини беради.

Айни бир вақтда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда нефт-газ секторига корхоналарнинг рентабеллигини ошириш учун ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини нефт қазиб олишда 35 фоиздан 20 фоизгача, газ конденсати қазиб олишда 32 фоиздан 20 фоизгача ва табиий газ қазиб олишда 58 фоиздан 30 фоизгача пасайтириш, шунингдек бензинга акциз солиғи ставкаларини 45 фоиздан 28 фоизгача, дизел ёқилғисига – 40 фоиздан 25 фоизгача ва авиация керосинига – 20 фоиздан 8 фоизгача камайтириш таклиф этилмоқда.

Тўртинчидан, солиқ солиш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқиш механизми ва тўлаш тартибини энг кўп даражада бирхиллаштириш ва соддалаштириш.

Замонавий савдо тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, кўрсатиладиган савдо хизматлари сифатини ошириш, айниқса қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Ҳозир мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ва уларни ҳисоблаб чиқишнинг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш; аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этадиган шаҳарларда савдо корхоналари учун – 5 фоиз, қолган аҳоли пунктларида – 3 фоиз, бориш қийин бўлган тоғли аҳоли пунктларида эса – 1 фоиз ставкали ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари даражасидан, солиққа оид текширишлар очик-ошкора ўтказилишини таъминлашдан келиб чиқиб солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан маъмурий тартибда солиқ ундиришни такомиллаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида солиқ юқининг камайтирилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллиги ошиши ва аҳолининг реал даромадлари янада ўсиши қайд этилди. Бунда бюджетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумлари кўпайиши, солиқ тўламаслик ҳолатларининг камайтилиши, солиқ йиғиш даражаси ошиши ва солиқ солинадиган база бир қисмининг «хўфёна сектор»дан чиқарилиши ҳисобига қопланади.

2007 йилга назарда тутилган солиқ сиёсати чора-тадбирлари қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга – ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоиз реал ўсишига, саноат тармоқларининг камида 10 фоизга жадал ўсишига, инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга кўпайишига, инфляция даражасининг 5-7 фоиз доирасида сақланиб қолишига, аҳолининг реал даромадлари 17 фоизга ошишига эришиш учун мустақам асос яратиш имконини беради.

Кун тартиби юзасидан сўзга чиққан марказий иқтисодий ва молиявий идоралар, йирик корхоналар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари 2007 йилга солиқ сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларга ижобий баҳо бердилар, ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг ўсиши, солиқ тўловчилар даромадининг кўпайиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун унинг рағбатлантирувчи аҳамияти кучайишини алоҳида қайд этдилар.

Бу йил келгуси йилга солиқ сиёсати август ойидаёқ ишлаб чиқилганлигини қайд этиш зарур. Солиқ солишнинг янги шартлари билан олдиндан танишиш имконияти ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини режалаштириш нуктаи назаридан хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг кенг қатламлари учун айниқса муҳимдир.

Муҳокама натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилга солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини маъқуллаш ва 2007 йилга давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда асос сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎЗА материаллари  
асосида тайёрланган.

## КРЕДИТ АХБОРОТИНИ АЛМАШИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси қарздорлар тўғрисида ахборот алмашиш банклар томонидан муваффақиятли кредит сиёсатини олиб боришнинг зарурий шарти эканини кўрсатади. Зеро, кредит бериш вақтида банкда бўлажак қарздорлар тўғрисида ахборот бўлмаслиги муддатда қайтарилмаган кредитлар қулай ўсишининг асосий сабабларидандир.

Кредит портфелининг ҳажми ва қарздорлар сони ошган сари кредит бериш учун банклар бўлажак ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўла-тўқис ахборот олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди, бу анча кўп вақт ва маблағ талаб этади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун кўпгина мамлакатларда, жумладан республикамизда ҳам, қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва такдим этишга ихтисослашган ташкилотлар тузилган.

Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад республика Президентининг "Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва Марказий банкнинг "Кредит ахбороти миллий институти маълумотлар базасини шакллантириш ва кредит ахборотини Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига такдим этиш тартиби ҳақида"ги Низомига мувофиқ кредит ахборотини алмашиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни муҳокама қилишдан иборат эди.

Семинарни Марказий банк раиси ўринбосари А. Қ. Қодиров ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси директори С. П. Абдуллаев кириш сўзлари билан очдилар.


КАМИ директори Н. Э. Холмуратов ва ушбу Институт бош иқтисодчиси А.В. Филипповнинг семинарда қилган маърузаларида кредит ахборотини алмашиш борасидаги хорж тажрибаси, КАМИ фаолиятининг асосий жиҳатлари, банк сирини таъминлаш чора-тадбирлари, тижорат банклари ва КАМИ ўртасида кредит ахборотини алмашиш механизми каби масалалар ёритилди. Маърузачилар иштирокчилар эътиборини ахборот алмашишда юз берадиган хатоларга қаратдилар, шунингдек, ахборот жўнатишдаги хатоларнинг олдини олишга оид чораларга батафсил тўхталдилар.

Семинарда бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга қарор қилинди.

Семинарда кўрилган масалалар билан газетамизнинг кейинги сониди батафсил танишасиз.

Лола АБДУАЗИМОВА.





Жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкатлари) ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-215 сонли ҳамда 2006 йил 11 январдаги "Меvasабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-255 сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича АТ "Пахта Банк" Бошқаруви 3/6-сонли қарор қабул қилиб, уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур дастурга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг имтиёзли кредитлаш механизмининг ўргатиш юзасидан вилоятларда қишлоқ хўжалиги субъектлари иштирокида семинарлар ўтказилиб, банк филиаллари тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилишди. Шунингдек, ҳукуматнинг қонуний ҳужжатлари талабидан келиб чиқиб, АТ "Пахта Банк" мамлакатимиз бўйлаб жами 640 та минибанк ташкил қилди. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2006 йилнинг ўтган даври давомида АТ "Пахта Банк" асосий эътиборни ис-

## КУЧЛИ БАНК – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда мазкур соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бунда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун яқиндан кўмакдош ҳисобланган акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг роли каттадир.**

лохотларни изчиллик билан амалга ошириш ҳамда банк томонидан жалб қилинаётган кредит маблағларидан мақсадли ва рационал фойдаланиш механизмларига қаратди. Хусусан, банк қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан, фермер хўжаликларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ва уларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида 956 та хўжаликка техникалар хариди учун 23 млрд. 834 млн. сўмлик кредитлар ажратди.

Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳанинг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш" компоненти ҳисобидан 2,7 млн. АҚШ доллари ва "Агросервис кредитлари" компоненти ҳисобидан 10,3 млн. АҚШ доллари миқдоридан ҳамда Осиё тараққиёт банкининг

"Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 4,2 млн. АҚШ доллари миқдоридан қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, 102 дона "Доминатор-130" русумли дон ўриш комбайнлари хариди учун кредитлар ажратилди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 325-сонли Қарори ижросини таъминлаш борасида "Пахта Банк" томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам катта аҳамиятга моликдир. Хусусан, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 965 та хўжалик юритувчи субъектга 15,8 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, жами 1364 та объект бўйича

лизинг лойиҳалари амалга оширилди. Банк томонидан жорий йил 1 август ҳолатига кўрсатилган жами лизинг хизматларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, 505 та фермер хўжалигига умумий суммаси 7,1 млрд. сўмлик 575 та лизинг объекти, 70 та ширкат хўжалигига 1,6 млрд. сўмлик 84 та лизинг объекти, "Ўзагро-машсервис" уюшмаси тизимидаги 27 та машина-трактор корхонасига 1,8 млрд. сўмлик 30 та лизинг объекти, шунингдек 27 та муқобил машина-трактор паркига 1,1 млрд. сўмлик 42 та лизинг объекти ажратилган.

Бундан ташқари, 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз вақтида минерал ўғитларни етказиб бериш, техника ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан "Ўзагро-машсервис" уюшмасига қарашли машина-трактор паркларига 7 млрд. 994 млн. сўмлик кредит, "Ўзқишлоқхўжаликкимё давлат-акциядорлик жамиятига 6 млрд. 910 млн. сўмлик кредитлар берилди. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва унинг тизимидаги корхоналарга эса, моддий техник ресурслар сотиб олиш учун жами 12 млрд. 412,7 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Зарина УСМОНОВА.

## ЗАМИН ФИДОКОРИ

**Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилган. Хусусан, қишлоқ хўжалигидаги фермерчилик ҳаракатининг ривожига катта эътибор берилмоқда. Аграр соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон банкларининг ҳиссалари ҳам каттадир. Бугунги кунда минглаб фермер хўжаликлари банклардан олинган кредитлар асосида ўз моддий-техник базаларини мустаҳкамлаб, фаолиятларини кенгайтириб бормоқдалар. Ана шундай хўжаликлардан бири Тошкент вилоятидаги "Одил" фермер хўжалигидир.**

Бўстонлик туманидаги Қоронкул қишлоғида ўндан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият олиб боради. Ушбу хўжаликлар асосан чорвачилик ва галлачиликка ихтисослашган булиб, улар орасида Турсунбой ака Абдуллаев раҳбарлик қилаётган "Одил" фермер хўжалиги пешқадамлик қилмоқда. Бунда хўжаликнинг банклар билан ҳамкорлиги ҳам анча самара берди. Мисол учун, хўжалик 2005 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Чирчиқ шаҳар бўлимида 10 миллион сўм ҳажмида кредит олиб, самарали ва режали сарфлади. Ҳозирда кредит батамом ёпилди. Мен Қоронкул қишлоғидаги кўпгина мулкдорлардан Турсунбой ака ҳақида илиқ сўзларни эшитиб, ана шу инсон билан суҳбатлашишга жазм этдим.

Турсунбой ака билан 244 гектар майдондаги буғдойзор, бедазор, табиий пичанзор ва яйловларни, 220 бош қорамол, 20 бошдан кўпроқ йилқи парваришланаётган фермани айланиб, унинг ўта ишбилармон, моҳир раҳбарлиги баробарида соддадил ва самимий инсонлигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳамроҳим ҳар бир гапини салмоқлаб, пишитиб гапирди.

- Асли Қоронкул қишлоғиданмиз. Ўспиринлик давримдан чорвачиликка қизиқардим. Шу соҳада ўқидим, 30 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келаяпман. Бу тоғу тошларни яланг оёқ кезганман.

Қаранг, мени на илон чақди, на оёғимни тош кесди. Насибамиз шу ерга сочилган экан. Хизр назар қилган жойларда яшаймиз. Бу ерларда чорвачиликнинг файзи бор. Ишимизда барака бор.

Яратганга шукр, фарзандларим ўқимишли. Ҳаммаси уйли-жойли. Энди гапнинг бурома-



дига ўтамиз. Эркимиз кўлимизга ўтгач, фермерлик деган гаплар пайдо бўлди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, сўзининг мағзига қараб туриб унинг мўлжали нишонга аниқ тегишини билдим. 1997 йилнинг сентябр ойида шу фермер хўжалигини хусусийлаштириб олдик. Банкдан олган кредитимиз ҳисобидан техникаларимиз сонини янада кўпайтирдик. Ҳозирда ер ҳайдаш учун иккита МТЗ-80 русумли, занжири Т-75 русумли тракторларимиз

яхши ишчи ҳолатида. Буғдой ва пичанларни ўришга мўлжалланган иккита КСК-100 ҳамда КСК-5 тракторларимиз бор. Қорамол бошини яқин келажакда 500 тага етказмоқчимиз. Қўйчиликни ташкил этиб, йилкичиликни янада ривожлантиришни кўзла-япмиз. Йилига давлатга 20 тоннадан ортиқ гўшт топширамиз. Ҳар куни 500 литр сут соғиб олиб, шундан 400 литрини давлатга топширамиз. Яна кўшимча тарзда 260 гектар яйловни ижарага олдик.

"Одил" фермер хўжалигида дастлаб Турсунбой аканинг оила аъзоларигина ишлаган бўлса, ҳозирда уларнинг сафи кўплаб ҳамқишлоқлари ҳисобига кенгайди. Хўжалик катталашган сари уни бошқариш ҳам қийинлашиб борса керак, деб сўрайман Турсунбой акадан. - Ахир ҳар бир аъзонинг ўзига хос муаммолари бўлади, уларни ҳал этиш, ишчилар учун қулай иш шароитлари яратишнинг ўзи бўлмайди...

- Фермер бўламан деганлар сон мингта. Аммо бу ишни хузур-ҳаловатдан кечган одамларгина удалайди. Мен билан бирга ишлаётган одамларга раҳмат! Фермерликнинг оғир тошига елка тираб келишяпти. Мен кўпам уларнинг ишига аралашавермайман. Унинг ўрнига бирга ишлаётганларнинг фарзандларига разм соламан. Қани қай бирига нима керак? Қай бирининг оғзида сут-қатикнинг юқи кўринмайди? Мен мана шу юмушлар билан банд-

ман. Қозонида гўшт қайнаган, эгни боши бут, киссасида пули бор инсонларга ҳуда-бе-ҳуда буйруқ беравериш, катталик қилавериш дам емаган паловни бузиш билан баравардир.

Турсунбой ака бир зум тин олиб, хаёлга чўмди. Сўнг пиёладан чой хўплади. Унинг хаёлини бўлиш, ўринли-ўринсиз савол беришдан ўзимни тийиб, мен ҳам жимгина ўтиравердим. Шу пайт суҳбатга қишлоқдаги 15-мактаб директори, Равшан ака Раимов келиб қўшилди.

- Саховатли тadbirkorларни куёшга ўхшатаман. Унинг нури, тафти ҳаммага татийди. Турсунбой аканинг ҳам мактабимизга, ўқувчиларга кўп ёрдами тегади. Турли тadbirkorларда моддий ёрдам билан ўқувчиларни рағбатлантиради. Мактабдаги таъмирлаш ишларидан тортиб, ташкилий ишларга қадар кўмакларини аямайди. Буни барча яхши билади ва қадрлайди. Тоғли худудда яшаганимиз боис, қишда қор қалин тушади. Аммо ўқувчилар қийинчиликсиз мактабга қатнашади. Бу масалада ҳам Турсунбой акага суянамиз. Доимо қиш мавсумида фермер хўжалиги техникалари ёрдамида йўллар қордан тозаланади. Ушбу фермер хўжалиги ташкил этилган илк кунданоқ бизнинг мактабимизга оталиқ ташкилот бўлиб ҳисобланади. Шуларни ўйлаганда, юртимизда Турсунбой ака сингари инсонлар, саховатли тadbirkorлар кўплигига шукрона айтаман.

- Ҳали кўрасиз замонамиз бундан ҳам тўқ, бундан ҳам фаровон бўлиб кетади. Бунинг учун сиз ҳам, мен ҳам меҳнат дея аталмиш улуг омилнинг этагини қўйиб юбормаслигимиз керак, - деди Турсунбой ака суҳбатимиз сўнггида.

Турсунбой фермер билан кўкка буй чўзган юксак тоғлар этагида хайрлашдик. Унинг иссиқ, чайир, қандайдир меҳр тафти сезилиб турган кўлларига кўлларимни кўярканман, бундай замин фидокорларининг қалби ҳам теграмиздаги пурвиқор тоғлар каби баланд, гўзал эканлигини кўнглимдан ўтказиб қўйдим.

Жасур МИРЗАЕВ.

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

**"Минск мотор заводи" УК билан "Ногинск ёнилғи аппаратлари заводи" АЖ Ўзбекистонда дизел двигателлари ишлаб чиқарадиган "ЎзБелДизел" ҚҚни барпо этдилар, деб хабар қилди республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини бирлаштирган "Ўзқишлоқхўжмашхолдинг" компанияси.**

Холдинг вакили аниқлик киритишича, Ўзбекистон томонидан "Тошкент трактор заводи" (ТТЗ) ОАЖ ва "Мотор заводи" ОАЖ янги ҚҚнинг ҳаммуассиси бўлдилар. Двигателлар "Мотор заводи" базасида йиғилади.

Тенг шерикчилик асосида ташкил этилган ҚҚнинг устав жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Холдингдан хабар қилишларича, дастлабки босқичда ҚҚ ҳар йили қуввати 80 от кучидан 100 от кучигача бўлган 6 мингтагача двигател ишлаб чиқаради. Двигателларнинг деярли 50 фоизини ТТЗга, қолган қисмини республиканинг ички бозорига етказиб бериш режалаштирилмоқда. 2010 йилга бориб "ЎзБелДизел" қувватини 20 минг донага етказиш мўлжалланмоқда.

Двигателлар ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмларнинг қарийб 50 фоизи Россия ва Беларусдан келади, қолган қисми Ўзбекистоннинг турдош корхоналарида ишлаб чиқарилади.

"Туркистон-пресс" НАА.



## «АЛТАЙСКИЙ ТРАКТОР» ТТЗДА ТРАКТОР ЙИҒАДИ

Россиянинг «Алтайский трактор» ОАЖ (Рубцовск, Россия) ва Ўзбекистоннинг «Тошкент трактор заводи» ОАЖ (ТТЗ) Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тракторларини ишлаб чиқарадиган «ТТЗ - Алтай» қўшма корхонасини ташкил этди, деб хабар қилишди қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини ўз таркибига олган «Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг» компанияси раҳбарлари.

Холдинг вакили аниқлик киритишича, устав сармойяси 460 минг АҚШ доллари бўлган, тенгхуққуқлик асосида ташкил этилган ҚК ТТЗ базасида қуввати 130 ва 150 от кучига тенг бўлган Т4А ва Т412 ўрмаловчи тракторларини ишлаб чиқаради. ҚКнинг лойиҳа қуввати йилига 2 минг дона тракторни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Алтайский трактор» узеллар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш учун буюртмаларнинг 50 фоизини Ўзбекистон корхоналарида жойлаштиришни мўлжалламоқда.

Аввал хабар берилганидек, «Алтайский трактор» 2005-2007 йилларда Ўзбекистонда баҳоси қарийб 4 млн. АҚШ доллари бўлган тракторлар ва бутловчи қисмларни йиғишни ташкил этиш дастурини амалга оширишни режалаштирган эди. Бу дастур корхона ишлаб чиқаришининг 40 фоизгачаси-

ни Ўзбекистонга кўчиришни назарда тутган эди.

Дастур доирасида «Алтайский трактор» компаниясининг республика бозорларидаги асосий шериги бўлган Ўзбекистон «Агромашсервис» ассоциацияси корхоналари базасида узеллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирмоқда.

2005 йилда «Алтайский трактор» ОАЖ республикамизга «Агромашсервис» тизими орқали деярли 500 та трактор етказиб берди. У 2004 йилда 300 та трактор етказиб берган эди.

Ҳозир Ўзбекистонда «Алтайский трактор» ОАЖ иштирокида ташкил этилган, Россия корхонасининг техникасига хизмат кўрсатишга ихтисослашган яна учта ҚК - «КўрғонАлтай» (Каттақўрғон, Самарқанд вил.), «Б-Алтайсервис» (Гулистон, Сирдарё вил.), «Тўрткўлқишлоқмаш» (Тўрткўл, Қорақалпоғистон) ишлаб турибди.

«Туркистон-пресс» НАА.

### ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ

Қуйидаги курсларга олдиндан қабул эълон қилади:

- «САР» ва «СІРА» бухгалтерларни сертификатлаш дастури бўйича. Машгулотлар иш кунларида 14.08.06 йилдан бошлаб ва дам олиш кунлари гуруҳларнинг тўлишига қараб ўтказилади;  
- аудиторлар учун «Молиявий ҳисоб-1» қисқа муддатли курслари (40 соат), курснинг баҳоси - 60 000 сўм. Имтиҳон 2006 йил 8 октябрда ўтказилади.

Бошловчи бухгалтерлар учун курслар:

- «Замонавий бухгалтер» - 80 соат, баҳоси 100 000 сўм;  
- «ІС-корхона» - 40 соат, баҳоси 40 000 сўм.

Компьютерда ишлашни ўрганишни хоҳловчилар учун «Microsoft WindowsXP» курсини тақлиф қиламиз.

Сиз Ассоциациямизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича махсус адабиёт ҳамда ўқув қўлланмаларини сотиб олишингиз мумкин.

Малакали мутахассислар ёрдамида молия ҳисоби, бошқарув ҳисоби, солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи ва аудит бўйича юқори сифатли билимлар олиш ва талаб даражасидаги сертификатга эга бўлишни хоҳловчиларнинг қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз:

134-01-87; 134-18-90; 134-19-01; 135-46-87.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

• Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;  
• чет тиллар (асосан инглиз тили)

ли)ни билладиган;  
• банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;  
• Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:  
112-60-65, 112-58-78

### • Жаҳон янгиликлари

## ЛОНДОН – ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ШАҲРИ

Лондон дунёнинг яшаш учун энг қimmat шахрига айланди. Дунёдаги энг йирик молиявий гуруҳлардан бири – Швейцариянинг UBS банки томонидан тузилган йиллик рейтингда жаҳондаги 77 та етакчи мегаполисларнинг қиёсий кўрсаткичлари келтирилади. Москва бу рўйхатда 41-ўринни олди. Бундан уч йил аввал Буюк Британия пойтахти UBS рейтингда 14-ўринни эгаллаган эди.

UBSнинг «Наҳрлар ва иш ҳақи» рейтинг энг эски ва ҳаммадан нуфузли тақдир. У дунёнинг энг йирик мегаполис-

ларидаги турмуш даражасини 122 позиция бўйича, шу жумладан ўртача иш ҳақи, уй-жой учун тўланадиган ҳақ, истеъмол саватининг баҳоси, солиқлар, шаҳар транспортининг ва асосий хизматларнинг, шу жумладан коммунал хизматларнинг баҳоси бўйича қиёслашга асосланади. Иккинчи ўринни Нью-Йорк эгаллади. Учликни Норвегия пойтахти – Осло якунлайди. Тўртинчи ўринда Токио, ундан кейин Цюрих, Копенгаген, Женева, Дублин ва Чикаго туради. Ўнликнинг охиридан Лос-Анжелес ўрин олган.

## ТРУБОПРОВОД УЧУН \$ 100 МЛН. КЕРАК

British Petroleum нефт корпорациясининг ҳисоб-китобларида қараганда, Аляскадаги Prudhoe Bay нефт қонидаги коррозияга учраган трубопроводни алмаштириш деярли 100 млн. АҚШ долларида тушади. Айни вақтда, кондан нефт қазиб чиқариш қисқариши туфайли олинмай қолган фойда ундан анча кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Трубопровод ишдан чиққанлиги туфайли конда нефт қазиб чиқариш деярли бутунлай тўхтатилган эди. Бу ҳол нефт баҳосини ошириб юборди. Ҳозир бир баррел нефтнинг нархи 78 доллардан ошиб кетди.

## РОССИЯНИНГ ОЛТИН ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ \$266,9 МЛРД. ГА ЕТДИ

Россиянинг олтин валюта захиралари 2006 йил 28 июлдан 4 августгача 1,3 млрд. АҚШ долларида, фоиз ҳисобида тахминан 0,5 фоизга ўсиб, 265,6 млрд. АҚШ долларида 266,9 млрд. АҚШ долларида етди. Бу ҳақда Россия Марказий банки хабар қилди. Олтин валюта захираларининг ҳозирги миқдори Россия банки томонидан ушбу ахборот мунтазам равишда эълон қилиб келинаётган бутун даврдаги рекорд

кўрсаткич бўлди. Россиянинг олтин валюта захиралари ҳажми 182,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган 2006 йил 1 январдаги нисбатан ушбу кўрсаткич 46,5 фоиз кўпайди.

2006 йил июлда Россия олтин валюта захираларининг миқдори бўйича тегиш-лича биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб турган Хитой ва Япониядан кейин биринчи марта дунёда учинчи ўринга кўтарилди.

## ЗАРБХОНА

### ГВАТЕМАЛА

Гватемаланинг пул бирлиги кетсал бўлиб, у 100 сентавога тенг. Эмитент Гватемала Банкидир. Муомалада номинали 1/2, 1, 5, 10, 20, 50 ва 100 кетсал бўлган банкнотлар юради. Ҳар қайси номиналнинг турли йилларда чиқарилган бир неча модификацияси бор. 2003 йилги серияда чиқарилган янги банкнот ҳам илгари муомалада бўлган купюранинг модификацияси бўлиб, дизайни ва рангларида арзимаган фарқ бор, холос.

Номинали 10 кетсал бўлган банкнотнинг олд томонида 1871 йилдан 1873 йилгача республиканинг президенти бўлган генерал Мигел Гарсиа Гранадос портрети жойлаштирилган. Орқа томонида 1872 йилдаги миллий ассамблея мажлиси тасвирланган. Сув белгиси йўқ. Ҳимоя ипи ҳам йўқ. Асосий ранглар - қизил-жигарранг ва кулранг.

### ПАРАГВАЙ

Парагвайнинг пул бирлиги гуарани бўлиб, у 100 сантимога тенг. Эмитент Парагвай Марказий банкидир. Муомалада номинали 1 гуаранидан 100 000 гуаранигача бўлган банкнотлар юради. Қиймати 1000 гуаранидан ортиқ бўлган банкнотлар-

да номинал ёзув билан миля (минг) гуаранида кўрсатилади. Иккита янги банкнот 2004 йил модификациясидаги серияга мансуб, олдинги банкнотлар дизайнини сақлаб қолган ва сохталаштиришдан саклаш воситаларининг модернизацияланган мажмуасига эга. Аммо, банкнотларда сув белгиси барибир пайдо бўлмади.

Номинали 1000 гуарани (1 мил) бўлган банкнотнинг олд томонида Франсиско Солано Лопес портрети жойлаштирилган. Банкнотда сув белгиси йўқ. «G1000» микроматли ҳимоя чизиғи банкнотнинг бутун узунлиги бўйлаб марказдан ўнг томонда жойлашган. Металлаштирилган чўкма ҳимоя чизиғи банкнотнинг ўнг томонида юзага чиқади. Асосий ранглар - жигарранг ва бинафшаранг. Номинали 10 000 гуарани (10 мил) бўлган банкнотнинг ўнг томонида Хосе Гаспар Родригес де Франсиа портрети жойлаштирилган. Орқа томонида 1811 йил 14 майдаги ассамблея тасвирланган. Банкнотда сув белгиси йўқ. «G10000» микроматли ҳимоя чизиғи банкнотнинг бутун узунлиги бўйлаб марказдан ўнг томонда жойлашган. Металлаштирилган чўкма ҳимоя чизиғи банкнотнинг ўнг томонида юзага чиқади. Асосий ранглар - жигарранг, зайтун ранги ва сарғиш.

«Деньги» журнали материаллари асосида тайёрланди.

## БАНК АХБОРОТ МАШИНИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш «Заковат» ижтимоий жамғармаси

### ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

### БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

### АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА,  
«Иқтисодий ахборот агентлиги»,  
«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун  
134-13-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-1003

Тираж 5386 нуска.

Босишга рухсат этилди

15.08.2006 й.



# БАНК АЖБОРОНИНО МАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 33 (536) 2006 йил 23 август

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2006 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**2006 йилда иқтисодийни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича ислох қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар ҳисобот даврида тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодийнинг юқори суръатда ўсишида муҳим омил бўлди.**

**I. Макроиқтисодий тенденциялар**  
**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.** Иккинчи чорада реал секторнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари кескин жадаллашди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга ошишини таъминлади (биринчи чорада бу кўрсаткич 3,6 фоизни ташкил этган эди). Инвестицияларнинг 6,9 фоизга (4,5), саноат маҳсулотлари 9,7 (6,8), қишлоқ хўжалиги 7,2 (4,5), савдо 11,6 (7,5), хизматлар 13,3 (11,8) ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларининг ўсиши ҳисобига иқтисодий ўсиш таъминланди.

**Пул-кредит сиёсати** жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ пул миқдорининг прогноз кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, иқтисодийнинг реал секторига кредит ажратиш ҳажмини кенгайтириш билан

бир қаторда миллий валюта барқарорлигини ошириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлади.

Натижада инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади ва 3,5 фоизни ташкил этди. Реал тармоққа кредит қўйилмалар қолдиқларининг умумий ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига қараганда 10,5, банкларнинг умумий капитали 17 ва аҳолининг банклардаги депозитлари 55,7 фоизга ошди.

**Бюджет-солиқ сиёсати** бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мувозанатини таъминлаш билан бир пайтда хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкни камайтиришга йўналтирилди. Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари бўйича тушумлар прогнозини бажариш тегишли равишда 102,8 ва 100,5 фоизни ташкил этди. Бу, ўз навбатида, бюджет даромад қисмининг прогнозга кўра 2,4 фоиз

ортиғи билан бажарилишини таъминлади. Бюджет тушумларини ошириб бажариш бюджет харажатларининг барча моддаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаш имконини берди. Давлат бюджети профицит билан бажарилди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида ташқи савдо айланмаси 5059,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 4,6 фоизга ошди. Экспортнинг умумий ҳажми 5,2 фоизга ўсди ва 2971,2 миллион долларни ташкил қилди. Импорт ҳажми 2088,1 миллион долларни (2005 йилдаги даражага нисбатан 103,6 фоиз) ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг 883,1 миллион доллар миқдорига ижобий сальдосига эришилди.

**II. Таркибий-инвестиция сиёсати ва реал сектор тармоқларини ривожлантириш**

**Инвестициялар.** 2006 йилнинг январ-июн ойларида барча молиялаш манбалари ҳисобидан республика бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 1624,6 миллиард сўмни ёки жорий йил кўрсаткичига нисбатан 44,1 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-3-бетларда).

## БУ СОНДА:

2

**Банк харажатини камайтиришда муаммоли кредитларнинг роли**

5

**Ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунчиликдаги янгилıklar**

7

**Фонд бозори: ярим йиллик якунлари**

## Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 22 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	933,45
1 Англия фунт стерлинги	2316,56
1 Дания кронаси	212,01
1 БАА дирҳами	334,34
1 АҚШ доллари	1227,90
1 Миср фунти	214,01
1 Исландия кронаси	17,67
1 Канада доллари	1093,02
1 Хитой юани	153,98
1 Кувайт динори	4247,03
1 Россия рубли	45,93
1 Украина гривнаси	243,15
100 Ливан фунти	81,81
1 Малайзия ринггити	334,76
1 Норвегия кронаси	196,18
1 Польша злотийси	404,26
1 Сингапур доллари	781,50
1 СДР	1825,54
1 Туркия лираси	847,12
1 Швеция кронаси	171,87
1 Швейцария франки	1000,90
1 ЕВРО	1581,29
10 Жанубий Корея вони	12,84
10 Япония иенаси	106,27

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистонда пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони 2006 йилнинг 1 июлига келиб 3 млн. 30284 нафарга етди ёки бу кўрсаткич жорий йил бошига нисбатан 43,3 фоиз ўсди.

Корпоратив карточкалардан фойдаланувчилар сафи ҳам кенгайди ва шу йил биринчи ярми якунларига кўра, улар сони 3890 мингга ташкил этди.

Ҳисобот даврида 21 тижорат банки томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларида, банк хизмати пунктларида 911 та янги терминал ўрнатилди ва улар умумий сони 12098 тага етди.

Карточкалар орқали миллий валютада ўтказилган тўловлар суммаси йил бошига нисбатан 80 фоиз атрофида ўсди ёки 121,36 млрд. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар жозибадорлигининг ошиши – улар орқали амалга ошириладиган операциялар кўламининг кенгайиши нақд пул олиш коэффициентида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Марказий банк Матбуот хизмати.

## «КАПИТАЛБАНК» АТБ УСТАВ ЖАМҒАРМАСИ КЎПАЙДИ

2006 йил 18 августда «Капиталбанк» АТБ шаҳар филиалида «Капиталбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда иккита масала кўриб чиқилди:

1. Устав сармоясини 3 млрд. сўмга кўпайтириш ва банк уставига ўзгартишлар киритиш.

2. «Капиталбанк» АТБнинг еттинчи акциялар эмиссиясини эълон қилиш. Банк томонидан номинали 10 000 сўм бўлган оддий, эгасининг номи ёзилган ва нақд бўлмаган акциялар чиқариш режалаштирилмоқда.

Банкнинг матбуот хизматидан хабар беришларича, 1 август ҳолатига банк активлари 103,365 млрд. сўмни, жами сармояси 7,582 млрд. сўмни, кредит портфели 29,913 млрд. сўмни ташкил этди.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

## «ҲАМКОРБАНК»: ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРДАН МИЖОЗ МАМНУН

**«Ҳамкорбанк» ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида молия бозорида ўз ўрнини эгаллаш билан бирга чакана хизматлар турини кўпайтириб миқдорлар ишончини оқламоқда. Хусусан, лизинг ва кредит хизматлари, пластик карточкалар, аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этиш банк таклиф этаётган хизматларнинг икки томонлама манфаатли турларидир. Қолаверса, банкнинг беш хил халқаро пул жўнатмаларига донорлик қилиши аҳолига катта қулайлик яратди.**

**Лизинг – тадбиркорларга мадад**  
Бозор иқтисоди шароитида бировдан қарз олиш осон эмас. Айниқса, тадбиркорларга фаолиятни йўлга қўйишлари учун айланма маблағдан ташқари дастгоҳ ёки техника сотиб олиш учун қўшимча маблағ керак бўлади. Ана шундай пайтда лизинг хизмати жуда қўл келади. Бунда банк тадбиркорларга лизинг шартномаси асосида техника во-

ситалари, ишлаб чиқариш учун дастгоҳларни сотиб олиб беради.

«Ҳамкорбанк» тарихида биринчи лизинг шартномаси 1998 йилда имзоланган эди. Унга кўра «Андижонтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига 20 та «Дамас» автомобили лизингга олиб берилиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган эди.


(Давоми 5-бетда).



**АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 22 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси**

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1235,00	1237,00	1582,00	1602,00
«Асака» банки	1235,00	1237,00	1582,00	1590,00
«Ўзсаноатқурилишбанк»и	1235,00	1237,00	1582,00	1592,00
«Пахта Банк»	1235,00	1237,00	1585,00	1590,00
«Халқ банк»и	1235,00	1237,00	1582,00	1596,00
«Ипотекабанк»	1235,00	1237,00	1582,00	1590,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1235,00	1236,00	1590,00	1592,00
«UzKDBбанк»	1235,00	1237,00	1581,00	1604,00
«Ғаллабанк»	1235,00	1236,00	1582,00	1592,00
«Трастбанк»	1235,00	1237,00	1582,00	1592,00
«Алп Жамол банк»	1235,00	1237,00	1591,00	1594,00
«Алоқабанк»	1235,00	1237,00	1582,00	1605,50
«У-Т банк»	1235,00	1237,00	1591,00	1610,00
«Туронбанк»	1235,00	1237,00	1584,00	1590,00
«Савдогар» банк	1235,00	1237,00	1582,00	1595,00
«Ипак йўли» банки	1235,00	1237,00	1590,43	1593,01
«Микрокредитбанк»	1235,00	1237,00	1578,75	1582,25
«Туркистон» банк	1235,00	1237,00	1580,00	1610,00
«Даврбанк»	1235,00	1237,00	1590,00	1605,00
«Кредит-Стандарт» банки	1235,00	1237,00	1581,50	1600,00
«Капитал банк»	1235,00	1237,00	1581,30	1605,00
«Содерат банк»	1235,00	1237,00	1532,00	1602,00
«Ҳамкорбанк»	1235,00	1237,00	1582,00	1602,00
«Универсалбанк»	1235,00	1237,00	1590,00	1593,00
«Парвинабанк»	1235,00	1237,00	1580,00	1583,00





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2006 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоизга кўпайди (2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5,4 фоиз). Капитал қўйилмаларнинг 63,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишларга йўналтирилди.

Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг солиштирма салмоғи 72,8 фоизга етди. 2005 йилнинг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган эди. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий ўсиши корхоналар маблағлари ҳисобидан молиялашнинг 26,8 фоизга ошиши туфайли таъминланди. Бу молиялашнинг ушбу манбаи салмоғининг 2005 йилдаги 40,4 фоизга нисбатан 48,3 фоизга кўпайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари  
(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
Ялпи ички маҳсулот	103,6	106,6
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8	109,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	114,2	120,6
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,5	107,2
Қурилиш ишлари	103,6	106,1
Чакана савдо айланмаси	107,5	111,6
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	111,8	113,3

Ҳисобот даврида МТБ (маҳсулотни тақсимлаш битими) шартлари асосида Россиянинг «Газпром» компанияси билан Шахпахта конини қўшимча ўзлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилди, МТБ шартларида кўра, «Лукойл» компанияси билан Ҳовузак-Шоди конида саноат асосида бурғилаш ишлари бошланди, тўқимачилик саноатида қатор лойиҳалар – «БФ Текстайлпродакшн» хорижий корхонаси, «Байтекс Тижарет» қўшма корхонаси лойиҳасининг иккинчи босқичи ниҳоясига етмоқда, «Тошғузор-Бойсун-Кумқўрғон» темир йўли, «Ўзбекистон» электр узатиш линияси қурилиши ва бошқа лойиҳалар юқори суръатларда амалга оширилмоқда.

Тури даражадаги **автомобил йўлларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш** бўйича 40,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди (биринчи ярим йиллик прогнозига

нисбатан 100,5 фоиз). Тасдиқланган иш жадвалига мувофиқ 123 километрлик автомобил йўллари фойдаланишга топширилди, 561,5 погон метр кўприк ва йўл ўтказгичлар таъмирланди.

**Саноат.** Саноатнинг машинасозлик, металл қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида тайёр ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш туфайли унинг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металл қайта ишлаш, кимё ва нефт-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр энергетика, пахта тозалаш, трикотаж, тикувчилик, озиқ-овқат, ун маҳсулотлари, шиша ва чинни-фаянс буюмлар, тиббий, матбаа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам кузатилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш натижасида суўлтирилган газ (105), электр қуввати (103,5), кўмир (109), пўлат (101,3), цемент (108,5), автомобил (123 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чоралар туфайли 2006 йилнинг январ-июн ойларида уларни ишлаб чиқариш 20,6 фоизга ошди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда музлатгич ва совутгич (5,4 марта), кир ювиш машинаси (129,6), телевизорлар (179,2), спиртсиз ичимликлар (2,1 марта), мева шарбатлари (129,0), шакар (156,5), макарон маҳсулотлари (125,6 фоиз), ўсимлик ёғи (114,3), гилам ва гилам маҳсулотлари (113,8), чинни-фаянс идишлар (177,5 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

2006 йилнинг январ-июнида **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида** 675,3 миллиард сўмлик ёки прогноз кўрсаткичга нисбатан 101,2 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг шу даврига қараганда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 марта кўпайди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 562,7 миллион долларни ташкил қилди. Дастурнинг 288 та лойиҳаси мониторинги давомида 82 та лойиҳа бўйича прогноз кўрсаткичларнинг барқарор бажарилиши таъминланди.

**Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғлом-**

Саноат ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларининг тармоқлар бўйича динамикаси

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
<b>Саноат маҳсулоти</b> шу жумладан	106,8	109,7
электрэнергетика	109,4	107,6
ёқилғи	99,4	100,1
қора металлургия	105,8	106,8
рангли металлургия	99,5	100,8
кимё ва нефт-кимё	112,1	116,9
машинасозлик ва металл қайта ишлаш	110,6	119,8
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	116	118
қурилиш материаллари саноати	117	118,8
енгил саноат	106,8	111,4
озиқ-овқат саноати	120,9	129,2
бошқа соҳалар	119,6	121,3

**лаштириш ва келажаги йўқ корхоналарни тугатиш бўйича чоралар.** Реструктуризациялаш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари 674 та корхона, жумладан, жирий йилнинг биринчи ярим йиллигида фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилган 168 та корхонани қамраб олди. Уларнинг 24 тасига нисбатан банкротлик жараёни бошланди, 14 та корхона бошқа корхоналарга қўшилиши сабабли юридик шахс реестридан чиқарилди. Бундан ташқари, тўқимачилик саноатининг 217 та самарасиз ишлаётган корхонаси тугатилди. Қўрилган чоралар натижасида 450 та корхонада (умумий корхоналар сонининг 70 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари яхшиланди, 328 та корхона (ёки умумий сонининг 51 фоизи) ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоиздан кўпроқ оширди, 98 та (187 тадан) корхона иқтисодий ночор аҳволдан чиқди, 62 та (92 тадан) корхона зарар кўриб ишлашни бартараф этди, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг банд бўлмаган қувватлари ҳисобидан 89 та янги корхона ташкил этилди, 10331 та иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

**Савдо ва хизматлар.** Саноат ишлаб чиқариши ва би-

## ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ЎЗБЕКИСТОНГА

Яқинда Инвестиция институтлари миллий ассоциацияси (ИИМА) клуби Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (ССП) билан биргаликда халқаро инвесторларни «Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорига жалб этиш» мавзусида мажлис ўтказди. Клуб ишида ССП раиси А. Шайхов, ИИМА Директорлар кенгаши раиси А. Расулов, республикадаги етакчи компанияларнинг раҳбар ходимлари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.

А. Шайхов учрашувни очар экан, ҳозирги кунда хусусий бизнес чет эл инвестицияларини жалб этиш жараёнида фаол иштирок этмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари, республикага портфел инвестицияларни жалб этишда ҳам фойдаланилмаётган имкониятлар кўп.

Клуб мажлисининг биринчи қисми халқаро инвесторларнинг Ўзбекистон қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорларига кириб келиш имкониятларига бағишланди. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раисининг ўринбосари Б. Улашев банкрот корхоналарни қайта тиклашга бевосита инвестициялар қандай жалб этилаётганлигини сўзлаб берди. «Биргина шу йилнинг биринчи ярмида, - деди у, - банкрот корхоналар негизда 150 та корхона ташкил этилган бўлиб, уларга фақат чет эл инвесторларигина эмас, балки миллий инвесторлар ҳам ўз маблағларини киритишлари мумкин.

(Давоми 4-бетда).

## БАНК ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ РОЛИ

**Тижорат банклари харажатларини камайтириш банк фаолиятини самарали ташкил этишда, қолаверса унинг мижозларга қулай хизмат кўрсатиш имкониятларини янада ошишига ёрдам беради. Бунда тижорат банкларининг харажатларини камайтиришда муаммоли кредитлар муҳим ўрин тутати. Муаммоли кредитларни бартараф этиш банкларнинг ресурсларини доимий ҳаракатда бўлишига ва мамлакат тўлов тизими ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилади.**

Муаммоли кредитлар мижознинг пул маблағлари етишмовчилиги оқибатида пайдо бўлади. Бу бирданига юзага келадиган ҳодиса эмас, балки пул маблағлари инфляцига аста-секин пайдо бўла бошлайди. Банк ходимлари мижозда пул маблағлари етишмовчилигининг дастлабки белгилари пайдо бўлишини ўз вақтида аниқлашлари ва шу асосда кейинги ҳаракатлари режасини тузиб олишлари лозим.

Кредит берилгач, кутилаётган хатарни олдини олишнинг барча чоралари кўрилиши лозим. Мижознинг молиявий аҳволини доимий таҳлил қилиш учун унинг барча молиявий ҳужжатларини текшириш имкони яратилиши лозим. Ҳар ким ҳам пулни қарзга бериши мумкин, лекин уни қайтариш учун эса ҳақиқий банкир керак бўлади, деб бекорга айтилмаганидек, кредитларнинг ўз вақтида қайтишини таъминлаш банк ходимлари малакасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Муаммоли кредитларни аниқлаш борасида баъзи хатоларга йўл қўймаслик учун банклар вақти-вақти билан кре-

дитларни аудит текширишларидан ўтказиб туришлари лозим. Бундай текширишлар кўпгина ҳолларда камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имконини яратати. Агарда муаммоли кредитлар кредит учун масъул ходим томонидан эмас, балки аудитор томонидан аниқланса, бу кредит бўлими ишининг сустигини билдиради.

Маълумотлар йиғиш жуда муҳим ишдир, уларнинг энг яхши базаси бўлиб мижозларнинг ўзлари ҳисобланишади. Лекин кўпинча, маълумот учун бошқа манбаларга: бошқа банкларга, мол етказиб берувчиларга ва асосий харидорларга мурожаат қилишга тўғри келади. Тўпланган маълумотлар таҳлили муаммоларнинг қай даражада эканлиги, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганишга ёрдам беради.


Муаммоли активларнинг мавжудлиги кредитларни таснифлаш, кутилаётган йўқотишлар бўйича захира ҳосил қилиш, муаммоли кредитларнинг алоҳида ҳисобини юритиш ва кредитларни яратилган захира ҳисобидан қоплаш каби тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Тижорат банклари ўз мижозлари фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, уларнинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бориши керак. Тижорат банклари кредит шартномаси шартларини бажарилишига, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига эришиш учун кредитдан фойдаланадиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқани сақлаб туриши керак. Шу мақсадларда мижознинг молиявий ва хўжалик фаолияти, унинг тузилган шартномаларига мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларига амал қилиши, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, бехуда харажатлар ва йўқотишлар, дебитор-кредитор қарзларнинг айланиши тезлиги ва шу каби маълумотлар мижознинг кредитлари бўйича юритиладиган махсус йиғма жилдда йиғиб борилиши керак. Банк вақти - вақти билан мижознинг кредит қобилиятини аниқлаб туриши ва гаровга олинган мулкнинг сақланиш ҳолатини текшириб туриши керак.

Хатар даражаси аниқланаётганда ссуда олган мижознинг молиявий ҳолатига, унинг кредитга лаёқатлилиги даражасига, кредитни қайтариш имкониятига, кредитларни қайтариш муддатига ҳамда кредитларнинг таъминланганлиги сифатига жиддий эътибор бериш лозим.

**Эркин ЭШМУРОДОВ,**  
Миллий банк Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси,  
БМА тингловчиси.





## БЕВОСИТА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИГА

**Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш вақтдан ютиш, чет эл капиталидан кенг миқёсда ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини яратди. Чет эл капитални жалб қилишни кенгайтириш масаласини ҳал қилишда, бизнинг назаримизда, иш фақат етишмаётган манбалар ва технологияларни четдан жалб қилиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Балки, бу тадбирлар билан бир қаторда бевосита хорижий инвестициялар асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан унумли фойдаланиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалигига интеграцияси масалаларини ҳал қилиш лозим.**

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хорижий инвестициялар иқтисодиётга турлича шаклда, яъни тадбиркорликнинг бевосита инвестицияси шаклида ёки кредит, молиявий инвестиция шаклларида қўйилиши мумкин.

Мамлакатимизга чет эл капитални кенг миқёсда жалб қилишни, бизнинг назаримизда, имкониятга қараб ссуда капитални ёки қарзлар шаклида эмас, балки бевосита хорижий инвестициялар кўринишида амалга ошириш лозим. Янги лойиҳаларга киритиладиган бевосита хорижий инвестициялар иқтисодиёт тармоқларини энг замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан қурол-

лантиришни ҳамда жаҳон бозорига қисқа муддатларда чиқишни таъминлайди. Бунинг натижасида чет эл капитални киритилган тармоқлар мамлакат экспортининг ривожланиши ва кенгайтирилиши тезлатади. Буларни амалга ошириш учун узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилиши, ҳар иккала томон эҳтимоли бўлган рисклар билан тўқнашишга тайёрлиги ва мамлакатлар ўртасида ишончли алоқалар ўрнатилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни ўтказиш бориб, халқаро меҳнат тақсимоти қулайликларидан кўпроқ фойдаланишга интилоқда, хорижий тад-

биркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратмоқда.

Чет эллик инвесторларни Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш республика дастурини амалга оширишга жалб этишда ўзини тез оқлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий тадбиркорлар ва халқаро ташкилотлар томонидан инвестиция фондлари ташкил этиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадлар йўлида инвестицияларнинг турли манбаларидан ва унинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, тўғри қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш – тижорат фаолиятини ривожлантиришда улушбай иштирок этиш каби шакл ҳамда усулларидан фойдаланилмоқда.

Чет эллик инвесторлар иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни ўтказиш сиёсатини амалга оширишда, техника ва технологияни янгилаш жараёнини жадаллаштиришда, биринчи навбатда ишлов берувчи тармоқларни ривожлантиришда катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори, хусусан, акциялар бозори ғоят жа-

дал ривожланмоқда. Республика иқтисодиётида акциялар сотиш орқали жалб этиладиган чет эл инвестициялари катта самара келтириши учун тегишли шароитларни таъминлаш керак. Бунинг учун Республика қимматли қоғозлар бозорида зарур бўлган асосий шароитларга қуйидагилар кирди:

- барқарор молиявий кўрсаткичларга эга акциядорлик жамиятларининг етарли миқдорда бўлиши;
- акцияларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тизимининг мавжуд бўлиши;
- қимматли қоғозларнинг ташкил этилган бозорининг фаолият кўрсатиши;
- қимматли қоғозлар билан операцияларни халқаро талабларга мувофиқ ўтказиш;
- сотиладиган қимматли қоғозларнинг юқори ликвидли бўлиши.

Ушбу шароитларнинг мавжудлиги мамлакат иқтисодиётига бевосита хорижий инвестициялар кириб келишига қулай замин яратди. Инвестициялар эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайтирилишига муҳим омилидир.

**Моҳиғул ЖУМАНИЁЗОВА,  
Марказий банк Хоразм вилоят  
Бош бошқармаси  
Бош иқтисодчиси,  
БМА тингловчиси.**

Ташқи иқтисодий фаолият "Навоийазот" ОАЖ фаолиятининг муҳим, асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда корхона ташқи иқтисодий фаолияти асосан экспорт-импорт операцияларидан иборатдир.

2003-2006 йиллар мобайнида "Навоийазот" ОАЖнинг ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида экспортнинг салмоғи ўсиш тенденциясига, импортнинг салмоғи эса, пасайиш тенденциясига эга бўлган (жадвал). 2006 йилнинг 1-ярим йили яқунлари бўйича ҳам экспортнинг импортга нисбатан юқори салмоққа эгаллиги кузатилди. Ушбу тенденция корхонанинг экспорт салоҳияти ошиб бораётганлигидан далолат беради.

### Жадвал

**"Навоийазот" ОАЖ нинг ташқи савдо айланмаси (фоизда)**

	01.01.2004	01.01.2005	01.01.2006	01.07.2006
Ташқи савдо обороти, минг АҚШ доллари	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
а) экспорт	52,3	59,9	81,2	76,7
б) импорт	47,7	40,1	18,8	23,3

2006 йилнинг 1-ярим йилида корхона экспортнинг умумий миқдори 11946,6 минг АҚШ долларини, импорт эса, 4842,5 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

"Навоийазот" ОАЖ экспортнинг ўсиши асосан узоқ хориж мамлакатларига қилинган экспортнинг 2003-2005 йиллар мобайнида юқори ўсиш суръатига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Ушбу ўсиш асосан Эрон ва Афғонистонга қилинган экспорт ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобига таъминланди. Мазкур давр мобайнида Эронга қилинган экспортнинг миқдори 404,7 фоизга, Афғонистонга қилинган экспорт эса 321,5 фоизга ошди. "Навоийазот" ОАЖ экспортнинг товар таркибига тўхталсак, айтиш керакки, "Навоийа-

зот" ОАЖ экспортнинг асосий қисми аммиакли селитра, сунъий нитрон толаси ва уксус кислотасининг экспортига тўғри келади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш сифатли хом ашёга ва мураккаб тех-

нологияга асосланади. Шу сабабли, уларни ишлаб чиқариш дунёнинг санокли мамлакатларидагина йўлга қўйилган.

"Навоийазот" ОАЖ экспорти ҳажмининг ўсиши унинг пул оқимини кучайтиришига, валютавий тўловга қобиллик даражасини оширишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида,

операцияларида хужжатлаштирилган экспорт аккредитивларидан кенг қўламда фойдаланмоқда. Экспорт операциялари бўйича тушумларнинг 90 фоиздан ортиғи хужжатлаштирилган аккредитивлар асосида олинмоқда.

"Навоийазот" ОАЖнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш учун имкониятлар етарли бўлиб, улар қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади:

1. "Навоийазот" ОАЖнинг хўжалик амалиётига соф инкассо ва банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги ҳисобкитобларни жорий қилиш. Бунинг учун мамлакатимиз корхоналарига импорт операциялари бўйича тижорат векселларини эмиссия қилишга рухсат бериш керак. Фикримизча, корхона томонидан чиқарилган тижорат векселларининг таъминоти вазифасини корхонанинг ўз маблағлари бажариши лозим. Бундан ташқари, республикада тижорат банкларининг қўллаб-қувватлаш тўлови юзасидан кафилик берилиши соф инкассо воситасидаги тўловлар ҳажминини оширишига хизмат қилади.

2. "Навоийазот" ОАЖнинг хўжалик амалиётига очиқ ҳисобрақамлари бўйича ҳисоблашишни йўлга қўйиш.

Очиқ ҳисобрақамлари бўйича ҳисоблашиш корхоналарнинг валюта маблағларининг

маълум қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолишининг олдини олади. Чунки, бунда тўловлар товар жўнатилишидан 2-3 кун олдин амалга оширилади. Бундан ташқари, агар мол етказиб берувчи шартнома шартларини бажаришни кечиктирсан импортёр жўнатиладиган кейинги партиядаги товарнинг суммасини ўтказишни вақтинчалик тўхтатиб туриши мумкин.

3. Республикада хўжалик субъектларининг, шу жумладан, "Навоийазот" ОАЖнинг таъминланмаган хужжатлаштирилган аккредитивларнинг тўловларининг ҳажминини ошириш.

Бунинг учун, биринчи навбатда, банклар томонидан очилаётган хужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида таъминланмаган аккредитивларнинг салмоғини ошириш лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектларига тегишли бўлган хорижий валютадаги маблағларнинг маълум қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолишига барҳам берилади; иккинчидан, тижорат банкларининг ушбу операциядан юқори даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Айни вақтда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банкларнинг таъминланмаган аккредитивлари ҳажминини ошириш учун уларда мижозларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим. Акс ҳолда, банк таъминланмаган аккредитивлар қўйиш орқали йирик миқдорда зарар кўриб қолиши мумкин.

4. "Навоийазот" ОАЖнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида республикамизнинг йирик, халқаро рейтинг агентликларининг кредит рейтингига эга бўлган банклар томонидан акцептланадиган ва хорижий валюталарда эмиссия қилинадиган тижорат векселлари муомаласини жорий этиш.

Бундай тижорат векселларини мамлакатимизнинг нуфузли банклар томонидан акцептланиши уларни хорижий банклар томонидан дисконтлаш имкониятини юзага келтиради. Бунинг натижасида хорижлик мол етказиб берувчилар товарларини кредитга сотишга рози бўлади. Бу эса, республикамиз корхоналарининг, шу жумладан, "Навоийазот" ОАЖ валюта маблағларининг хўжалик оборотидан чиқиб қолишига барҳам беради. Ҳолбуки, ҳозирги даврда республикамизнинг кўплаб корхоналарининг импорт тўловларига мўлжалланган маблағлари аккредитив шакли асосида депонент қилинмоқда. Векселларни акцептлаётган тижорат банкларининг хатарга учраш даражасини пасайтириш мақсадида "Навоийазот" ОАЖнинг асосий ҳисобрақамидаги барқарор қолдиқдан гаров сифатида фойдаланиш механизмининг жорий қилиш мумкин. Ушбу гаров механизмининг моҳияти қуйидагича: тижорат банки акцептлаган вексел суммасининг маълум қисми (халқаро амалиётда 25-30 фоиз) корхонанинг асосий ҳисобрақамида барқарор қолдиқ сифатида сақлаб турилади. Бу чоратадбирларнинг амалиётга татбиқи "Навоийазот" ОАЖ ва бошқа экспортбон маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Фурқат УМАРОВ,  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
хузуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши  
академияси қошидаги  
Олий бизнес мактабининг  
тингловчиси.**

## «НАВОИЙАЗОТ»: ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ САРИ

**"Навоийазот" ОАЖ "Ўзкимёсанот" Давлат акциядорлик компанияси таркибидаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади. Корхона мақомига кўра акциядорлик жамияти бўлиб, 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига, муомалага номинал қиймати 50 минг сўм бўлган 753696 та акция чиқарилган. Бунинг натижасида 3768480 минг миқдоридаги устав капитални шакллантирилган.**

**Расм.**  
**"Навоийазот" ОАЖ экспортнинг товар таркиби (2005 йил январ-декабр)**



корхона халқаро ҳисоб-китобларининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

"Навоийазот" ОАЖ экспорт



## «КАПИТАЛБАНК» ЖАМОАСИНИНГ СПОРТДАГИ ГАЛАБАСИ

Шу йил 12 августда ЎзР Миллий банки стадионида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси томонидан ташкил этилган сузиш бўйича банклари спартакиада бўлиб ўтди. Унда республиканинг 10 та банки қатнашди.

50 метр масофага эркин сузиш бўйича умумий ҳисобда биринчи бўлиб «Капиталбанк» жамоаси маррага келиб, энг яхши натижани кўрсатди. Аёллар орасида биринчи ўринни Лилия Лукмонова эгаллади. У масофани 47 сонияда сузиб ўтиб, спортнинг ушбу турида «Капиталбанк»нинг галабасини узил-кесил ҳал этди.

Иккинчи ўринни «Асака» банки жамоаси, учинчи ўринни «Ипотекабанк» эгаллади. Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказилади, уларда ҳам кураш қизгин ўтиши кутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, бу каби мусобақалар биринчи марта ўтказилмоқда ва банк ходимлари орасида спортни ва соғлом турмуш тарзини оммавийлаштиришга ёрдам бермоқда.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

## МИНИ-ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРГАЗМАСИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эга ўлкалардан ҳисобланади. Бугунги кунда республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тобора янги босқичга кўтарилиб, боғдорчилик, мевасабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоклаш ҳамда тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга йўналтириш борасида фермерларга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Жумладан, республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий ускуна ва технологиялар билан таништириш мақсадида ташкил этилган «Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича мини-технология ва технология ускуналар» кўргазмаси ҳам мамлакатимизда шу жабҳани кенгайтиришга бағишланди.

22 августда очилган кўргазма жорий йилнинг 7 июл куни Юртбошимиз томонидан қабул қилинган «Фермер хўжаликлари ва агрофирмалар фаолиятига замонавий ускуна ва технологияларни мунтазам жалб қилиб бориш ҳисобига етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғриси»даги Фармойишининг ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонуний ҳужжатга биноан, мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи хорижий етакчи компанияларнинг замонавий ускуналари ва мини-технологияларини пухта ўрганиш, замонавий, технологик бойитилган

ҳамда тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқариш техникаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Кўргазмада мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий мини-ускуналар ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи Германия, Италия, Россия, Швеция, Туркия, Польша каби Европа мамлакатлари ва Марказий Осиё давлатларининг 15 га яқин компаниялари ҳамда тижорат банк вакиллари ўз намоишлари билан иштирок этади. Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун технологик ускуналарга қизиқиш билдираётганларни молиялаштириш манбаларига доир қимматли маълумотлар ҳам тақдим этилади. Шу боис, кўргазмага тадбиркорлик субъектларига лизинг хизматлари ва кредит олиш тартиби тўғрисида батафсил ахборот бериш мақсадида бир қатор молия институтлари ва лизинг компаниялари вакиллари ҳам таклиф этилди.

Шунингдек, тадбирда мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий мини-технология ва ускуналарни харид қилишга қизиққан ўзбекистонлик 200 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамда фермер хўжаликларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

## Жаҳон янгиликлари

### БЕЛАРУС БЮДЖЕТИ 2,2 ФОИЗ ПРОФИЦИТ БИЛАН ИЖРО ЭТИЛДИ

2006 йил биринчи ярми якунлари бўйича Беларуснинг умумлаштирилган бюджети ЯИМга нисбатан 2,2 фоиз профицит билан ижро этилди, дейилади ҳукумат матбуот хизматининг хабарида. Биринчи ярим йилликда умумлаштирилган бюджет даромадлари 17,4 трлн. беларус рублини ташкил этди, бу эса ЯИМнинг 50,5 фоизига тенг. Харажатлар 16,7 трлн. беларус рублини ёки ЯИМга нисбатан 48,3 фоизни ташкил қилади. Профицитнинг пулда ифодаланган ҳажми 764,2 млрд. беларус рублини ташкил қилади. Беларус рублининг расмий курси 1 доллар учун 2142 рублдан иборат. Умумлаштирилган бюджет даромадлар қисмининг 71 фоизи биринчи ярим йилликда жорий солиқ тўловлари ҳисобидан шакллантирилди.

Кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фойда солиғи ва даромад солиғи асосий манбалар бўлди. Уларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи 41 фоизни ташкил қилди. «Умумлаштирилган бюджет жами харажатларидаги асосий улуш ижтимоий соҳани ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини молиялашга тўғри келди», - дейилади ҳукумат матбуот хизматининг хабарида. Хусусан, биринчи ярим йилликда ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаш 9,4 трлн. рублга тушди. Беларус «Стратегия» таҳлил маркази эксперти Ярослав Романчук «даромадларнинг ўсиши қисман Беларус Россия нефтини фойдали асосларда қайта ишлаб, Европага сотаётган бир вақтда нефть маҳсулотларининг жаҳон нархлари ўсиши билан изоҳланади» деб ҳисоблайди.

### ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН ИМТИЁЗ

Экспорт бўйича ҚҚСни қоплаш Россиядаги экспортга ишлайдиган корхоналарга 2007 йилда 140 млрд. рублни сақлаб қолиш имконини беради. Молия вазир Алексей Кудрин 2007 йилга мўлжалланган федерал бюджет лойиҳасини ҳукуматда муҳокама қилиш якунлари бўйича шуни маълум қилди. «ҚҚСни қоплаш - ҳукуматнинг экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган энг асосий чорасидир», - деди Кудрин. Шу билан бирга у «бу сумма (140 млрд. рубл) 2007 йил федерал бюджет учун тушиб қоладиган сумма бўлади» деди.

У мазкур солиқни ойма-ой тўлаш тизимидан ҳар чоракда тўлаш тизимига ўтиш 2008 йилда ҚҚС тушумларини пасайтирадиган омиллардан бири бўлишини кўрсатиб ўтди. Бу йилги бюджетнинг тушиб қоладиган даромадлари 260 млрд. рублни ташкил қилади. «Бироқ, - деб таъкидлади Кудрин, - корхоналарнинг айланма маблағлари шунча суммага кўпаяди». Вазир ҚҚС тўлашдан тушадиган маблағлар нефть баҳосига боғлиқ эмаслигини ва улар нефть ва газ билан боғлиб қолмаган бюджетни шакллантиришнинг асосий манбаи эканлигини эслатиб ўтди.

### ХИТОЙ МАРКАЗИЙ БАНКИ СТАВКАЛАРНИ ОШИРДИ

Маълумки Хитой иқтисодиёти катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Хитой Марказий банки иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари қизиқ кетишига олиб келаётган кредитлаш ва инвестицияларнинг жўшқин ўсишини жилволаш зарурлигини кўрсатиб, асосий ставкаларни кутилмаганда 27 базис бандга оширди. Тижорат банклари йиллик депозитларининг индикатив ставка-

си йилига 2,52 фоизгача, банкларга бериладиган йиллик кредитларнинг ставкаси йилига 6,12 фоизгача оширилди. Ставкаларни 27 базис бандга ошириш Хитой Марказий банки учун аънаанага айлиниб қолган. Хитой Халқ банки охириги марта 27 апрелда ставкаларни шунча бандга оширган эди. Лекин у вақтда фақат кредит ставкаси оширилган эди, холос.

Хориж матбуоти материаллари асосида Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ

Куйидаги курсларга олдиндан қабул эълон қилади:

- «САР» ва «СІРА» бухгалтерларни сертификатлаш дастури бўйича. Машғулотлар иш кунларида 14.08.06 йилдан бошлаб ва дам олиш кунлари гуруҳларнинг тўлишига қараб ўтказилади;

- аудиторлар учун «Молиявий ҳисоб-1» қисқа муддатли курслари (40 соат), курснинг баҳоси - 60 000 сўм. Имтиҳон 2006 йил 8 октябрда ўтказилади.

Бошловчи бухгалтерлар учун курслар:

- «Замонавий бухгалтер» - 80 соат, баҳоси 100 000 сўм;

- «ІС-корхона» - 40 соат, баҳоси 40 000 сўм.

Компьютерда ишлашни ўрганишни хоҳловчилар учун «Microsoft WindowsXP» курсини таклиф қиламиз.

Сиз Ассоциациямизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича махсус адабиёт ҳамда ўқув қўлланмаларини сотиб олишингиз мумкин.

Малакали мутахассислар ёрдамида молия ҳисоби, бошқарув ҳисоби, солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи ва аудит бўйича юқори сифатли билимлар олиш ва талаб даражасидаги сертификатга эга бўлишни хоҳловчиларни куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз:

134-01-87; 134-18-90; 134-19-01; 135-46-87.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

- Молия ва кредит, Халқаро валютно-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;
- чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;
- банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:  
112-60-65, 112-60-37

## БАНА АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАХЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш «Заковат»  
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУХАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА,

«Иқтисодиёт ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

е-mail: bankingnews@tshtt.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Ғ-1003

Тираж 5386 нусха.

Босишга рухсат этилди

22.08.2006 й.